

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 339.7**

ЛАТИПОВ ДИЛШОДБЕК ЭШМАМАТОВИЧ

**FOREX БОЗОРИДАГИ ОПЕРАЦИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ
РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Мутахассислик: 5A230604-«Халқаро молия»

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

доц. Додиев Ф.

ТОШКЕНТ-2017

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ. ФОРЕКС БОЗОРИ ВА ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	7
1.1. Валюта бозори иқтисодий аҳамияти ва валюта курси хақида тушунча.....	7
1.2. ФОРЕКС бозорининг шаклланиши, унинг афзаллик ва камчиликлари.....	18
1.3. Форекс бозорини фундаментал ва техник таҳлил қилиш усуллари.....	29
I боб бўйича хулоса.....	36
II БОБ. ФОРЕКС БОЗОРИ ВА ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАҲЛИЛИ.....	37
2.1. ФОРЕКС бозори таҳлили.....	37
2.2. ФОРЕКС бозорига таъсир қилувчи индикаторлар таҳлили.....	43
2.3. Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларининг ҳуқуқий асослари ва уларни тартибга солиш ҳолати. . . .	52
II боб бўйича хулоса.....	66
III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БИЛАН БОҒЛИК МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ.....	67
3.1. Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар.....	67
3.2. Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини такомиллаштириш масалалари.....	71
III боб бўйича хулоса.....	80
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	81
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	84
ИЛОВАЛАР.....	90

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги фармонининг “Иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштириш”¹ деб номланган учинчи йўналишда кўрсатилган чора-тадбирларни рўёбга чиқариш учун миллий валюта ва нархларнинг барқарорлигини таъминлаш, валютани тартибга солишнинг замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, назарда тутилган.

Шунингдек ушбу йўналиш айрим миллий корхоналарнинг акцияларини нуфузли хорижий фонд биржаларига дастлабки тарзда жойлаштиришга тайёргарлик кўриш чора-тадбирларини ҳам ўз ичига олади. Бозор иқтисодиёти валюта бозорига ўзгарувчан иқтисодий инфратузилмадаги муаммоларнинг келиб чиқиши сабабларини чуқур таҳлил этиш, унда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш орқали иқтисодий барқарорликка эришиш вазифасини юклайди.

Мазкур вазифаларга эришиш омилларининг шаклланишидаги зиддиятларни ҳал қилишда валюта бозорининг халқаро тамойилларидан фойдаланиш алоҳида ўрин тутди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси”да “Хорижий инвестицияларни, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича ишлар қандай аҳволда экани танқидий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

таҳлилни талаб этади. Бундай инвестицияларнинг улуши 30 фоизга тушиб қолган”² деб таъкидлаб ўтган.

Хулоса қилиб айтганда, республикамиз ўз олдига юқоридаги қарор ва топшириқларга асосан қўйилган вазифаларни бажариш, халқаро стандартлар талабларига мувофиқ эркин валюта бозорини ташкил этиш зарурлиги мазкур магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарблигини белгилайди. Сабаби мамлакатимизга чет эл инвестицияларини хусусан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда валюталарни эркин алмаштириш жуда муҳим агар Форекс бозори юртимизда амалиётга тадбиқ қилинса бу валюта айрибошлашни эркинлаштирган буларди. Чунки Форекс бозорида эркин валюталар буйича савдолар булади.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объекти бўлиб, ФОРЕКС бозоридаги операциялар ва уларнинг ривожланиш хусусиятлари ҳисобланади. Тадқиқотнинг предмети бўлиб эса, Ўзбекистонда эркин валюта бозорини ташкил этиш буйича юзага келадиган иқтисодий муносабатлар йиғиндиси ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Диссертациянинг бош мақсади бўлиб республикамизда эркин валюта бозорини ташкил этиш жараёнини такомиллаштириш юзасидан илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Ушбу мақсадга эришиш учун диссертацияда қуйидаги вазифалар белгилаб олинган:

- ФОРЕКС бозори илмий-назарий асосларини ўрганиш ва иқтисодий моҳиятини очиб бериш;
- ФОРЕКС бозори индикаторлари асосида валюта бозори кўрсаткичларини ўрганиб чиқиш ва таҳлил қилиш;
- Мамлакатимиз валюта операциялари соҳасидаги мавжуд бўлган асосий муаммоларнинг моҳиятини очиб бериш;

² Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак” – Тошкент. “Ўзбекистон”, 2017. -18 б.

- Мамлакатимизда валюта операцияларини такомиллаштириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагиларда ўз ифодасини топган:

- ФОРЕКС бозорининг моҳияти аниқ очиб берилди;
- валюта бозори индикаторлари ўрганилди ҳамда уларнинг бир-бирига боғлиқлиги таҳлил қилинди;
- мамлакатимиз эркин валюта операциялари ташкил этишдаги истиқболлар ва муаммоларни ўрганилди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқот ишининг асосий масалалари мамлакатимизда эркин валюта операциялари ташкил этиш масалаларини батафсил ёритиб бериш, мавжуд талабларни ўрганиш, ушбу талабларни мамлакатимизда қўллаш имкониятлари ҳамда бу йўлда мавжуд муаммоларга асосланиб аниқ чора – тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг асосий фаразлари мамлакатимизда эркин валюта операциялари ташкил этишга оид янги талабларни бажарилишини баҳолаш, қўлланилаётган бу каби механизмнинг келажақдаги истиқболларини аниқлаш, комплекс таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, аниқ ечимларни излаб топишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Илмий изланиш натижасида олинган назарий хулоса ва таклифлардан Ўзбекистон Республикаси эркин валюта такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқотнинг услубий асослари бўлиб Форех туғрисидаги сайтларнинг асосий маълумотлари ҳамда Ўзбекистонлик ва хорижлик иқтисодчи олимларнинг унга оид илмий изланишлари ҳисобланади. Шунингдек, магистрлик ишининг предметини тадқиқ қилишда Ўзбекистон Республикаси қонунларидан, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари,

Марказий банк томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ҳамда тижорат банкларининг йиллик ҳисобот маълумотларидан фойдаланилади.

Диссертация ишида диалектик ёндашув, тарихийлик, мантиқийлик ҳамда анализ ва синтез, статистик гуруҳлаш ва иқтисодий таҳлил усуллари, таққослаш усули. Кўп ҳолларда Форекс туғрисидаги интернет сайтлари маълумотлари асосида, бозор фаолиятини таҳлил қилиш усули қўлланилди.

Диссертациянинг таркибий тузилиши. Диссертация иши кириш қисми, уч боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати шунингдек иловалардан иборат.

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асослаб берилди, унинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети шакллантирилди.

Диссертациянинг биринчи бобида ФОРЕКС бозори ва валюта операцияларини амалга оширишнинг назарий асослари мазмунан очиб берилди.

Диссертациянинг иккинчи бобида ФОРЕКС бозори ва валюта операцияларини амалга ошириш таҳлил қилинди.

Диссертациянинг учинчи бобида Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал қилиш юзасидан илмий-амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Диссертациянинг хулоса қисмида диссертацияни бажариш жараёнида шакллантирилган хулосалар ва ишлаб чиқилган таклифлар ҳамда тавсияларнинг қисқача мазмуни ўз ифодасини топади.

Диссертация умумий ҳажми 95 бетдан иборат бўлиб, 7 та жадвал, 6 та расм ва 4 та иловани ўз ичига олган.

I БОБ. ФОРЕКС БОЗОРИ ВА ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Валюта бозори иқтисодий аҳамияти ва валюта курси ҳақида тушунча

Иқтисодий, сиёсий ва маданий тусдаги халқаро муносабатлар турли мамлакатлар юридик шахслари ҳамда фуқароларининг пул талабномалари ва мажбуриятларини келтириб чиқаради. Халқаро ҳисоб-китобларнинг ўзига ҳослиги шундаки, баҳо ва тўлов валютаси сифатида одатда хорижий валюталар ишлатилади, чунки ҳозирги кунда барча давлатларда қабул қилиниши мажбурий бўлган умум тан олинган жаҳон кредит пуллари йўқ. Шу билан биргаликда қонуний тўлов воситаси сифатида ҳар бир суверен давлатда унинг миллий валютаси ишлатилади. Шу сабабли ташқи савдо, хизматлар, кредитлар, инвестициялар, давлатлараро тўловлар бўйича ҳисоб-китобларнинг зарурий шарти бўлиб тўловчи ёки олувчи томонидан бир валютани бошқа бир валютага сотиб олиш ёхуд сотиш шаклидаги алмашиниши ҳисобланади.

Валюта бозорлари³ - бу, талаб ва таклиф асосида шаклланадиган курс бўйича хорижий валюталарнинг миллий валютага олди-сотдиси амалга ошадиган расмий марказлардир.

Турли мамлакатлар юридик ва жисмоний шахсларининг пуллик қарз мажбуриятларини тўлови билан боғлиқ халқаро тўлов айланмасига валюта бозори томонидан хизмат кўрсатилади.

Кенг маънодаги валюта бозори⁴ - бу, хорижий валюта олди-сотдисини амалга ошириш ҳамда хорижий инвесторлар капиталлари ҳаракати билан боғлиқ операцияларда пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлар жараёнидир. Валюта бозорида валюта қимматликларининг инвесторлари, сотувчилари ва сотиб олувчилари манфаатларининг келишуви амалга ошади. Ғарб иқтисодчилари валюта бозорини ташкилий-техник нуқтаи назардан миллий

³ Абдуллаева Ш.З. Халқаро валюта-кредит муносабатлари.- Т.: Молия, 2014. 114б

⁴ Ўша жойда 116б

ва хорижий банклар ҳамда брокер фирмаларини ўзаро бирлаштирувчи замонавий алоқа воситалари тармоғининг йиғиндиси сифатида тавсифлайди.

Замонавий валюта бозори, ялпи жаҳон хўжалиги миқёсида амал қилувчи, мураккаб ва мунтазам иқтисодий тизим сифатида майдонга чиқади.

Валюта бозори янги шароитларга мослашган ҳолда тинмай ривожланиб келган. У хорижий валютадаги векселлар билан савдонинг локал марказларидан тортиб то бирдан-бир ҳақиқий халқаро бозор шаклигача бўлган йўлни босиб ўтди.

Хорижий валюталар билан операциялар қадимдан пулларни ўзаро алмаштириш операциялари шаклида амалга ошган. Бироқ замонавий тушунча сифатидаги валюта бозорлари XIX асрга келиб шаклланди. Бунга қуйидаги омиллар қўмаклашди:

- халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши;
- миллий валюта тизимлари юзасидан аъзо мамлакатлар зиммаларига маълум бир мажбуриятларни юкловчи жаҳон валюта тизимининг барпо этилиши;
- халқаро ҳисоб-китоблар кредит воситаларининг кенгайиши;
- банк капитали тўплануви ва марказлашувининг кучайиши, турли мамлакатлар банклари ўртасида вакиллик муносабатларининг ривожланиши, жорий вакиллик ҳисобварақларини хорижий валюталарда юритилиш амалиётини кенгайиши;
- валюта бозорлари ўзаро алоқаларини соддалаштириш ҳамда кредит ва валюта хатарлари даражасини камайтириш имконини берувчи телеграф, телефон, телефакс сингари алоқа воситаларининг такомиллашиши;
- ахборот технологияларининг ривожланиши, валюта курслари, банклар, уларнинг вакиллик ҳисоб рақамларининг ҳолатлари, иқтисодиёт ва сиёсат борасидаги тенденциялар ҳақидаги маълумотларни катта тезликда узатилиши.

Миллий бозорлар ва уларнинг ўзаро алоқалари ривожланиб бориши билан жаҳон молиявий марказларида жаҳоннинг етакчи валюталари учун

яҳлит жаҳон валюта бозори шаклланди. Замонавий жаҳон валюта бозорлари куйидаги асосий хусусиятлар билан тавсифланади:

1) хўжалик алоқаларининг байналмилаллашуви, электрон алоқа воситаларидан кенг фойдаланиш ва улар орқали операциялар ҳамда ҳисоб-китобларни амалга ошириш заминида валюта бозорларининг байналмилаллашуви;

2) операциялар навбати билан жаҳоннинг барча жойларида узлуксиз, сутка давомида амалга ошади. Календар суткалар ҳисоби соат поясларининг Гринвич - Гренич Меридиан Тиме (ГМТ) орқали ўтадиган "0" рақамли меридианига мувофиқ валюта бозоридаги фаолият Янги Зеландия (Веллингтон)да бошланади ва Сидней, Токио, Гонконг, Сингапур, Москва, Франкфурт-Майн, Лондон, Нью Ёрк ҳамда Лос-Анжелес кетма-кетлигидаги соат поясларини босиб ўтади;

3) валюта операцияларининг техникаси соддалаштирилган, ҳисоб-китоблар банкларнинг вакиллик ҳисобварақлари орқали амалга ошади;

4) валюта ва кредит хавф-хатарларини суғурталаш мақсадида валюта операцияларининг кенг ривожланиши. Бунда аввал амалда бўлган ва банк балансида акс эттирилган валюта операциялари балансдан ташқари ҳисобварақларида ҳисоби юритиладиган муддатли ҳамда бошқа турдаги валюта битимлари билан алмаштирилади;

5) чайқов ва арбитраж операциялари тижорат битимлари билан боғлиқ валюта операцияларидан кўп жиҳатдан ортиқдир, улар иштирокчиларининг сони кескин кўпаяди ва ўз таркибига нафақат банк ҳамда трансмиллий корпорацияларни, балки бошқа юридик ва жисмоний шахсларни олади;

6) курси, хусусиятли биржа товарига ўхшаб фундаментал иқтисодий омилларга боғлиқ бўлмаган, ўзининг тенденцияларига эга бўлган валюталарнинг барқарорсизлиги. Жаҳон валюта бозори энг кучли ва ликвидли, аммо сиёсий ҳамда иқтисодий янгиликларга ниҳоятда сезгир бозордир.

Функционал нуқтаи назардан валюта бозорлари қуйидагиларни таъминлайди:

- халқаро ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга ошишини;
- валюта ва кредит хавф-хатарлар суғурталанишини;
- жаҳон валюта, кредит ва молия бозорларининг ўзаро алоқаларини;
- банклар, корхоналар, давлат валюта захираларининг диверсификациясини;
- валюта курслари мувофиқлаштирилишини (бозор ва давлат томонидан);
- иштирокчилари томонидан валюта курсларининг фарқи сифатидаги чайқов фойдаси олиншини;
- иқтисодий дин давлат томонидан мувофиқлаштирилишига қаратилган валюта сиёсатини амалга оширилиши, сўнгги пайтларда эса мамлакатлар ("еттилик", Иқтисодий ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилоти, Европа Иттифоқи) гуруҳи доирасида ўзаро келишилган макроиқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми сифатида. Валюта бозори молиявий бозорнинг бошқа сегментларига қараганда ўз операцияларининг кўлами бўйича ниҳоятда каттадир. Масалан, 1997-йилдаги акциялар бозоридаги кунлик операцияларнинг ҳажми 100 - 150 млрд., облигациялар бозорида 500 - 700 млрд., валюта бозорида еса 1,4 трлн. АҚШ доллари ҳажмида баҳоланган (1986 йилда ушбу операциялар ҳажми 205 млрд. АҚШ долларини ташкил этган).

Валюта бозоридаги шартнома инструментлари ичида катта ўзгариш содир бўлди. Эркин рақобат капитализми даврининг монометализми шароитида яхшигина ривож топган халқаро ҳисоб-китобларнинг кредит воситаларидан фойдаланган ҳолдаги халқаро нақдсиз тўловлар кўлами катта эди. Валюта курси "олтин нуқталари"га этган ва қарздорга девизлар билан эмас, балки олтин билан ҳисоб-китоб қилиш самарали бўлган пайтда олтин халқаро ҳисоб-китоблар бўйича мажбуриятларнинг якуний тўлов воситаси сифатида ишлатилар эди. Валюта операцияларининг инструментлари бўлиб азалдан ўтказиладиган тижорат векселлари (тратталар) ҳисобланар эди.

Тратта экспортёр ёки кредитор томонидан импортёр ёхуд қарздорга қарата ёзиб чиқарилган талабномадир. Банклар ривожланиб боргани сари ушбу тратталар банк векселлари ва чеклари, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса банк пул ўтказмалари томонидан сиқиб чиқарила бошланди.

Валюта бозорлари институционал нуқтаи назардан банклар, брокерлик фирмалари, корпорациялар ва айниқса Транс Миллий Корпорациялар йиғиндисидан иборатдир. Банклар, банклараро бозордаги ўзаро ҳамда савдо-саноат соҳаларига алоқадор мижозлари билан валюта битимларининг 85-95%⁵ ини амалга оширадилар. Банк ёки валюта миллий қонунчилигига мувофиқ инқирозлар даврида банкларнинг Халқаро операциялар ва валюта битимларини амалга оширишга бўлган ҳуқуқлари чекланади ёки мазкур операцияларни амалга ошириш учун махсус рухсатнома (лицензия) талаб этилади. Ушбу чекловлар амалга ошириладиган барча валюта операцияларига ёки уларнинг айрим турларига, масалан "оффшор" ҳудудларидаги банкларнинг резидентлар билан валюта битимларига алоқадор бўлиши мумкин.

Валюта курсларининг қисқа ва ўрта муддатли динамикаси тенденцияларини прогнозлаш ҳамда аниқлашда валюта бозори конъюнктурасига таъсир этувчи омиллар (ялпи ички маҳсулотнинг ҳажми, саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши, ишсизлик даражаси, улгуржи ва чакана баҳолар индекслари, тўлов баланси асосий моддаларининг аҳволи, фойиз ставкаларининг динамикаси) таҳлил этилади. Олинган маълумотлар асосида валюта операцияларини амалга оширишнинг стратегия ва тактикаси ишлаб чиқилади. Бироқ прогнозларнинг ишончлилиқ даражаси унчалик катта эмас, чунки валюта битимлари объектив ва субъектив таъсиридаги хавф-хатарлар таъсиридадир. Хавф-хатарнинг объективлиги, валюта курсларининг узоқ муддатли давр ичида турли мамлакатларнинг иқтисодий кўрсаткичларига, қисқа муддатли давр ичида эса сиёсий воқеалар, иқтисодий масалалар бўйича давлат органларининг қарорларига, миш-мишлар ва пайт пойлашларга боғлиқлиги билан асосланади. Хатарнинг субъективлиги эса дилер томонидан ўз вако-

⁵ Абдуллаева Ш.З. Халқаро валюта-кредит муносабатлари.- Т.: Молия, 2015. 456

латлари доирасида валюта курсидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилаётган олди-сотди операциясининг ҳажми юзасидан қабул қилинаётган қарор билан асосланади. Дақиқалар ичида ўнлаб миллион долларларга битимлар тузилишини ҳисобга олган ҳолда дилерларнинг нотўғри қабул қилган қарорлари объектив омиллар билан биргаликда, айниқса йирик битимларда, катта йўқотишларга олиб келиши мумкин.

Банкларнинг банкротлиги валюта операциялари устидан банк раҳбарияти ва тегишли давлат органлари назоратининг кучайишига олиб келди. Банклар устидан назоратнинг миллий органлари капитал ҳаракати ва банклар хавф-хатарлари ҳажмларини назорат қилиш мақсадида уларнинг валюта позицияларини кузатади. Жаҳон валюта ва кредит бозорларидаги операциялар миллий ҳамда халқаро органларнинг мунтазам ўрганиш объекти бўлиб хизмат қилади. Мазкур чоранинг зарурлиги валюта ва қимматли қўғозлар курслари ҳамда фоиз ставкаларини экспорт ва импорт ҳамда капиталлар ҳаракати орқали ишлаб чиқаришнинг ривожланиш истиқболлари, конъюнктура, инфляция суръатларига сезиларли таъсир қилишидадир.

Банклараро бозор тўғридан-тўғри ва брокерлик бозорларига бўлинади. Шу сабабли брокерлик фирмалари валюта бозорининг институционал таркибий тузилишининг қисмларидан бири бўлиб ҳисобланади. Жами валюта операцияларининг 30 фоизи ушбу фирмалар орқали ўтади. Брокерлик фирмалари хизматлари учун воситачилик ҳақи (сотилган ёки сотиб олинган ҳар бир миллион доллар учун 20 АҚШ долларигача ёки унинг эквивалентини) олади-лар. Банклараро алоқаларнинг электрон воситалари ҳамда валюта битимлари (Рейтер-дилинг, Телерейт) амалга оширилишининг ривожланиши билан брокерлик фирмаларининг банклараро бозордаги роли пасайди. Аммо хусусий шахслар ҳамда нисбатан кичик фирмалар операцияларида улар ҳамон катта рол ўйнаб келмоқда.

Валюта курси⁶ (exchange rate) бир мамлакат пул бирлигининг иккинчи бир мамлакат валютасига нисбатан баҳоси ҳисобланади.

Валюта ёки айрибошлаш курси маълум бир мамлакатни ташқи дунё билан боғлаб туради, шунингдек миллий иқтисодиёт ҳолатини ташқи дунё билан таққослаш, халқро иқтисодий операциялар самарадорлигини баҳолаш имконини беради. Валюта курси мамлакатнинг жорий иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳолати ва истикболдаги режалари тўғрисидаги барча маълумотларни ўзида мужассам этади. Иқтисодиёти нисбатан очиқ мамлакатлар учун валюта курси муҳим кўрсаткичлардан ҳисобланади. Чунки унинг иқтисодиётга бевосита ёки билвосита таъсир этиши, валюта курсидаги кескин ўзгаришлар эса, миллий иқтисодиётда инқирозли ҳолатларни юзага келтириши мумкин. Хусусан, валюта курсининг ўзгариши мамлакатдаги умумий талаб ҳажмига, нархлар даражасига, фоиз ставкалар ўзаришига, мамлакат ичидаги даромадлар тақсимотига, ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Миллий валюта курсини амалдаги замонавий талаблар ва қонунчилик меъёрларига мос равишда ўрнатиш тартиби валюта котировкаси⁷(сурренсей куотатион) дейилади. Жаҳон амалиётида 2 хил турли валюта котировкаларидан фойдаланилади⁸.

1. Хорижий валюта бирлигининг маълум миқдордаги миллий валютага тенглаштирилиши тўғри котировка дейилади. Масалан, Ўзбекистонда 1 АҚШ доллари (USD) 2200 сўм (UZS) этиб белгиланиши (UZS/USD), ёки АҚШда 1 евро (EUR) маълум миқдордаги АҚШ доллари(USD)га тенглаштирилиши (USD/EUR) тўғри котировка ҳисобланади. Тўғри котировка жаҳоннинг кўп мамлакатларида қўлланилади.

2. Агар миллий валюта бирлигининг маълум миқдордаги хорижий валютага тенглаштилса тескари котировка дейилади. Масалан, Буюк Брита-

⁶ Абдуллаева Ш.З. Халқаро валюта-кредит муносабатлари.- Т.: Молия, 2005. 756

⁷ Абдуллаева Ш.З. Халқаро валюта-кредит муносабатлари.- Т.: Молия, 2005. 776

нияда 1 фунт стерлинг (GBP) маълум миқдордаги АҚШ доллари(USD)га тенглаштирилиши (USD/GBP), тескари котировка ҳисобланади.

Маълум бир даврий ораликда, белгиланган тартибда аниқланган валюта курсининг энг кичик кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ “пункт” деб юритилади. Масалан, 1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан курси 2236,66сўмдан 2243,49сўмга орца, валюта курси мазкур ҳолат бўйича 683 пунктга ортган бўлади.

Тўғри ва тескари котировкалар орасида қуйидаги боғлиқлик мавжуд:
$$C(\text{UZS/USD}) = 1/C(\text{USD/UZS})$$

Халқаро ҳисоб-китобларда кросс-курслардан кенг фойдаланилади. Кросс-курс учинчи валюта (USD) орқали икки валюта (UZS, JPY, GBP) ўртасидаги курсни аниқлашдир.

Кросс-курслар икки хил усулда аниқланади. Бунда базавий валюта (USD ва ҳ.к.) ва котировка қилинаётган валюталар(UZS, JPY, GBP ва ҳ.к.)дан фойдаланилади. Яъни валюта курсидаги 1 бирликка тенг валюта базавий, бошқа маълум қийматга тенг валюта эса, котировка қилинаётган валютадир. Масалан, 1 USD (базавий)= 2200 UZS (котировка қилинаётган), ёки 1 GBP (базавий) = 1,4USD (котировка қилинаётган)

1. Маълум икки валюта курсининг базаси бир хил валюта бўлса, бунда ушбу курсларнинг ўзаро нисбати орқали учинчи валюта курси топилади. Масалан, 1 АҚШ доллари 2200 сўм (UZS/USD) ёки 150 Япон иенаси (JPY/USD) алмаштириб берилса, унда $150 \text{ JPY} = 2200 \text{ UZS}$ бўлади ва бундан $1 \text{ JPY} = 14,67 \text{ UZS}$ келиб чиқади, яъни $1 \text{ JPY/UZS} = 14,67$ ёки $1 = 14,67 \text{ UZS/JPY}$

2. Кросс курсни топиш учун ишлатиладиган учинчи валюта маълум икки валюта курсининг бирида базавий иккинчисида котировка қилинаётган валюта бўлса, бунда ушбу курсларни ўзаро кўпайтириш орқали учинчи валюта курси топилади. Масалан, 1 АҚШ доллари 2200 сўм (UZS/USD) ва 1 Буюк Британия фунт стерлинги 1,4 АҚШ доллари (USD/GBP) бўлса, унда 1

GBP = 1,4 * 2200 UZS бўлади ва бундан 1 GBP = 3080 UZS келиб чиқади,
яъни 1 GBP/UZS= 3080 ёки 1 = 3080 UZS/GBP

Қатъий белгиланган валюта курсида миллий валюталар ўртасидаги расман ўрнатилган нисбатаинг вақтинчалик 2,25 фоиздан ошмаган миқдорда тебраниишга рухсат берилади.

Чегараланган эгилувчан валюта курсида миллий валюталар ўртасидаги расман ўрнатилган нисбатаинг белгиланган қоидага мувофиқ катта бўлмаган миқдорда тебранишига рухсат берилади.

Сузувчи валюта курси талаб ва таклиф таъсирида эркин ўзгарадиган алмашув курси бўлиб, маълум шароитларда давлат валюта интервенцияси орқали унга таъсир ўтказиши мумкин.

Валюталарнинг харид қобилияти паритети (Purchasing power parity) асосида ҳисобланган валюта курси – турли мамлакатлардаги сифати, миқдори ва бошқа хусусиятлари бир хил бўлган маҳсулотлар ва хизматларнинг миллий валютада ифодаланган қийматни ўзаро тенглаштириш орқали аниқланадиган валюта курсидир.

1.1-жадвал

Валюталарнинг харид қобилияти паритети (purchasing-power parity) асосида валюта курсини ҳисоблаш⁹

Истеъмол саватидаги маҳсулотлар	Ўлчов бирлиги	Мамлакат					
		Ўзбекистон (сўм)			АҚШ (доллар)		
		Бирлик баҳоси	Миқдори	Сумма	Бирлик баҳоси	Миқдори	Сумма
Гўшт	кг	21000	1,5	31500	9,0	1,5	13,50
Гуруч	кг	4000	4,0	16000	1,5	4,0	6,00
Картошка	кг	1800	10,0	18000	0,9	10,0	9,00
Ўсимлик ёғи	литр	5900	1,0	5900	2,8	1,0	2,80
Пиёз	кг	1000	1,5	1500	0,5	1,5	0,75
Олий сортли буғдой уни	кг	2100	3,0	6300	0,8	3,0	2,40
Сабзи	кг	1200	3,0	3600	0,5	3,0	1,50
Шакар	кг	3500	2,0	7000	1,5	2,0	3,00
Жами	-	-	-	89800	-	-	38,95

⁹ Статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Масалан, Ўзбекистонда 1 кг олий сортли буғдой унининг нархи 2200 бўлса, худди шундай сифатли ва сортли буғдой унининг нархи АҚШда 1 доллар бўлса, унда валюталарнинг харид қобиляти бўйича курси $1 \text{ USD} = 2200 \text{ UZS}$ бўлади. Валюталарнинг харид қобиляти паритети ва бозор курслари ўзаро бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Валюталарнинг харид қобиляти бўйича курслар одатда, истеъмол савати товарлари нархлари бўйича ҳисобланади.

Мазкур 1.1-жадвал маълумотлари асосида, валюталарнинг харид қобиляти паритети бўйича бир АҚШ долларининг ўзбек сўмига нисбатан курси:

$$38,95 \text{ USD} = 89800 \text{ UZS}; 1 \text{ USD/UZS} = 2305,52.$$

Бироқ, валюталарнинг харид қобиляти паритети валюта курслари билан боғлиқ ўзгаришларини ўзида тўлиқ акс эттира олмайди. Бунинг асосий сабабларини қуйидаги ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин:

1. Ҳар икки мамлакат истеъмол саватидаги ўхшаш товарларни бир хил деб ҳисобланиши (уларни етиштириш, яратиш ёки тайёрлаш технологиялари ва шароитлари турлича бўлиши, натижада сифати ва нархи ҳам фарқ қилишимумкин);

2. Мамлакатлар истеъмол саватидаги таварлар ва хизматлар турлари сонининг ҳар хиллиги (бир мамлакатда 100 хил товар ва хизматлар истеъмол саватига кирса, солиштириладиган бошқа мамлакатда 500 хил ва ҳ.к.)

Валюталарнинг харид қобиляти (ёки товар) паритети билан бирга мамлакатларнинг валюта муносабатлари тараққиётида валюталарнинг олтин ва валюта паритетлари ҳам амалда бўлган. Валюталарнинг олтин-валюта паритетлари жаҳон валюта тизимидаги фиксирланган (қатъий) белгиланган курслар режими пайтида давлатларнинг муомаладаги миллий валютасини унинг олтин-валюта захирасига нисбати орқали топилган нисбатга айтилган. Масалан, олтин танга стандарти (Париж, 1876-1913 йиллар) даврида 1 унция олтин АҚШда \$20.67, Буюк Британияда £4.2474га тенглаштирилган. Яъни маълум миқдордаги АҚШ доллари ёки фунт стерлингни банкка топширилса,

белгиланган нисбат бўйича улар захирадаги олтинга алмаштириб берилган. Ёки, Бреттон Вудс валюта тизими (АҚШ, 1944-1976 йиллар) даврида 1 унция олтин \$35га алмаштириб берилган. Бу шаклдаги валюталарнинг олтин таркиби валюталарнинг олтин паритети деб ном олган. Шунингдек, валюталарнинг олтин таркиби, ёки олтин паритети орқали валюта курслари ҳам аниқланган. Хусусан, $(\$20.67 / 1 \text{ унция олтин}) / (£4.2474 / 1 \text{ унция олтин}) = \$4.8665/£$

Валюта курсига таъсир этувчи омиллар.¹⁰ Валюта курсига таъсир этувчи фундаментал омилларнинг 4 турини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Хусусан:

1. Иқтисодий омиллар. Иқтисодий омилларнинг асосийлари сифатида мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши тўғрисидаги маълумотлар (ЯИМ, саноатнинг ўсиши, ишсизлик ва аҳолининг меҳнат билан бандлиги, инфляция, фойиз ставкалар ва ҳ.к.)нинг ўзгариши мамлакатлар марказий банклари бошлиқларининг чиқишлари ва йиғилишидаги қарорлар, валюта интервенцияси, молия бозорининг валютадан ташқари бошқа бозорларидаги ўзгаришларни қайд этиб ўтиш мумкин.

2. Сиёсий омиллар. Сиёсий омилларнинг асосийлари сифатида президент, давлат ва ҳукумат бошлиқларини сайлаш жараёни ва унинг натижалари, уларнинг истеъфога чиқиши, шунингдек, марказий банклар ёки пул-кредит сиёсати билан шуғулланувчи давлат органлари раҳбар кадрлар алмашинуви, геосиёсий тўқнашув ва инқирозларни кўрсатиш мумкин.

3. Турли хабарлар ва кутишлар. Глобал валюта бозорида инвесторларни ҳаракатга келтирувчи шундай ибора бор, яъни “турли хабарлар, миш-миш гаплар, овозалар асосида валюталарни сотиб ол ва факт (далил, исбот)ларга асосланган ҳолда уларни сот”. Глобал валюта бозорида олтин қоидага айланган ушбу ибора, шунингдек бошқа психологик омиллар инвесторларнинг бозордаги ҳаракатини фаоллаштириши ёки сусайтириши мумкин.

¹⁰ Абдуллаева Ш.З. Халқаро валюта-кредит муносабатлари.- Т.: Молия, 2005. 886

4. Форс-мажор ҳолатлари. Фавқулотда содир бўлган ҳодисалар, масалан, сув тошқини, zilзила, йирик кўламли ёнғин, турли зарарли эпидемияларни, газ ва бошқа зарраларни оммавий тарқалиши, кучли тўфон ёки довуллар ва ҳ.к.лар натижасида турли даражадаги вайронагарчиликни юзага келиши. Шунингдек, мамлакатда террористик ҳуружларни, ҳужум ва ҳаракатлари содир этилиши ҳам валюта курслари ўзгаришига ўз таъсирини кўрсатади.

1.2. ФОРЕКС бозорининг шаклланиши, унинг афзаллик ва камчиликлари

Форекс бозори (ингл. ФОРЕКС маркет, ёки FX-market) — валюталарни банклараро алмаштириш бозоридир¹¹. Форекс атамасидан барча валюта операцияларини йиғиндисини белгилаш учун емас, балки валюталарни ўзаро алмаштиришни белгилаш учун фойдаланиш қабул қилинган. Форекс бозоридаги операциялар савдо, спекулятив, хеджирлаш, тартибга солиш операциялари бўлиши мумкин. Интернетнинг жуда тез суръатларда ривожланиши муносабати билан Форекс бозори истаган ёшдаги ҳар бир кишига ҳақиқий вақтдаги валюта бозори курсларида савдони бошлаш имкониятини беради. Интернетга кириш имконига ва Форекс бозорида савдо операцияларини бажариш учун савдо платформасига эга бўлиш етарли. Форекс бозорининг таърихи¹². 1971 йилнинг август ойида АҚШ президенти Ричард Никсон долларнинг олтинга эркин конвертация қилинишидан воз кечди. Шундан сўнг 1971 йилнинг декабрида Вашингтонда Смицонов келишуви яратилган бўлиб, унда валюталар курсининг АҚШ доллариға нисбатан курсининг ўзгариши 1% ўрниға 4,5% га тенг ўзгаришларға русхат этилган эди (АҚШ доллари кирмайдиган валюта жуфтликлари учун эса 9% гача ўзгариши). Бу барқарор валюта курслари тизимини барбод қилди. Юз берган ўзгаришлар мақсади олтин нархиға янада либерал сиёсатға келтирилар эди. Агар аввал олтин стан-

¹¹ www.instaforex.ru

¹² www.instaforex.ru

дарти амал қилгани туфайли валюталар курси барқарор бўлган бўлса, у ҳолда ана шундай амаллардан сўнг олтиннинг ўзгарувчи курси валюталар ўртасидаги алмашув курсларининг ўзгаришлари муқаррар бўлишига олиб келди. Бу фаолиятнинг нисбатан янги соҳасини - валюта савдосини юзага келтирди, алмашув курси валютанинг фақат олтин эквивалентига эмас, балки унга бозорнинг талаблари таклифига ҳам боғлиқ бўла бошлади. 1976 йилнинг январида Кингстон шаҳрида ХВФга аъзо мамлакатлар министрларининг мажлисида халқаро валюта тизимининг тузилиши тўғрисида янги келишув қабул қилинган бўлиб, у ХВФ уставига тузатишлар кўринишини олди. Кўплаб мамлакатлар миллий валюталарни доллар ёки олтинга боғлаб қўйишдан воз кечдилар. Бироқ фақат 1978 йилда ХВФ бундай раддиятга рухсат берди. Шу пайтдан бошлаб, эркин ўзгарувчи курслар валюталар алмашувининг асосий усули бўлиб қолди. Янги валюта тизимида пулларнинг харид қилиш қобилятини аниқлашнинг тамойилидан уларнинг олтин эквиваленти қиймати асосида рад этиш мутлақо юз берди. Мазкур келишув аъзо мамлакатларнинг пуллари расмий олтин қийматига эга бўлмай қўйди. Алмашув эркин валюта бозорида эркин нархлар бўйича амалга оширила бошлади. Ўзгарувчи курсларнинг ўрнатилиши қўйидагига олиб келди:

- Марказий банклар валюталар курсига таъсир кўрсатиши ва мамлакатдаги иқтисодий вазиятга бозор услублари билан таъсир кўрсатиш имкониятини қўлга киритди;

- Импортчилар, экспортчилар ва уларга хизмат кўрсатувчи банк тузилмалари валюта бозорининг доимий иштирокчилари бўлиб қолишди, чунки валюта курсларининг ликвидлиги уларнинг ишлаши молиявий натижаларида ҳам ижобий жиҳатдан, ҳам салбий жиҳатдан таъсир кўрсатди. 2005-2006 йилда Форекс бозорида кунлик айланма турли хил баҳолашларга кўра 2 дан 4 трлн. АҚШ долларигача ўзгарди¹³. Бу ҳажмнинг бир қисмини маржинал савдо таъминлайди, бундай шароитда битим иштирокчиларининг ҳақиқий пул маблағларидан анча ортиқ бўлган суммага битимлар тузишга

¹³ www.Instaforex.ru

рухста этилади. Битимларнинг хусусияти ва мақсадларига боғлиқ бўлмаган ҳолда катта ҳажмдаги кунлик айланма Форекс бозорида юқори ликвидликнинг кафолати бўлиб ҳисобланади. Форекс бозори фойда олиш воситаси тарзида: Интернетда Форекс бозорида ишлаб пул топиш тўғрисида жуда кўп реклама топиш мумкин, лекин мазкур иш ёлланма иш эмас ва келишилган иш ҳақиға эға эмас. Фақат сиз ва Форекс бозори бор ва сизнинг фойдангиз ва зарар кўришингиз айнан сизнинг ҳаракатларингизға боғлиқ. Бу ўзининг старт капитали ва муқаррар хатарлари бўлган бизнесдир. Форекс бозорида маржинал савдо фойданинг бир тури сифатида бир қанча ўзига хос хусусиятларға эға: бошлиқлар ва қўлостида бўйсунадиганлар йўқ; кўп миқдорда старт капитали талаб этилмайди; янги усуллар ёки малакаларни доимий равишда ўзлаштиришни талаб этмайди; йўқотишлар ҳавфи юқори бўлиши билан жуда катта имкониятларға эға фойда мавжуд. Бу хусусиятлар маржинал савдони унча кўп бўлмаган старт капитали билан биржа савдосини бошлаш учун жозибали қилади. Бозор билан ўқув DEMO ҳисоб-варақлари орқали танишиш етарли. Бунинг учун сизни қизиқтираётган брокерни танлаб олишингиз ва DEMO ҳисоб-варағингиз керак. Ҳар қандай бизнесда фойда ва зарар кўриш имконияти бўлади. Сизнинг фойдангиз зарарингиздан кўп бўлиши учун сиз Форекс бозорини ва унинг барча нозик томонларини яхшилаб ўрганиб олиш керак. Сиз яхши мўлжал оладиган бўлсангиз ва Форекс бозорининг қоидаларига амал қилсангиз, шундагина сиз омадли трейдер бўласиз.

ФОРЕКС бозори битта валютани сотиб олишни ва шу вақтда иккинчисини сотишни ифода этади. ФОРЕКС энг йирик жаҳон молия бозори ҳисобланиб, у фонд бозоридан бир неча марта катта. Форекс бозорининг кундалик айланмаси 5 триллион доллардан ортади¹⁴. ФОРЕКС - бу биржадан ташқари бозор бўлиб, бу ерда операциялар брокерлар орқали амалға оширилади. Савдо суткасиға 24 соат, ҳафтада 5 кун давом этади. Брокерлар орқали амалда истаган валюта билан савдо қилиш мумкин. Валюта, одатда, учта

¹⁴ www.Instaforex.ru

харф билан белгиланади, биринчи иккитаси - мамлакатни, учинчиси эса валютани ифода этади. Энг кўп муомалада бўладиган валюта: АҚШ доллари (USD), евро (EUR), япон иенаси (JPY), британия фунти (GBP), швейцария франки (CHF) ҳисобланади. Битта валютанинг нархи бошқасига нисбатан доим ўзгариб туради (ортади ёки тушади). Масалан, агар биз америка доллари пастга тушади десак, унда гап нима ҳақда бораётгани тушунарсиз бўлади, чунки доллар австралия долларига нисбатан кўтарилиши, еврого нисбатан эса пастга тушиши мумкин. Валюталар доим жуфти билан савдо қилинади. Валюталар бир бирига нисбатан котировка қилингани учун валюталарнинг номлари белги (/) билан ажратилиши ва қуйидаги тарзда белгиланиши мумкин: EUR/USD. Валюта жуфтликлари бу жуфтликка кирувчи валюталар нархининг нисбатини ифода этади. Масалан, EUR/USD жуфтининг нархи 1 EUR га сиз қанча миқдорда USD сотиб олишингиз мумкинлигини кўрсатади. Жуфтликдаги биринчи турган валюта таянч валюта ҳисобланади, иккинчиси эса котировка (котировка қилинадиган) валюта бўлиб ҳисобланади. Евро қолган жаҳон валюталарига нисбатан таянч валюта ҳисобланади. Қуйидаги асосий валюта жуфтликлари мавжуд:

Мажорс гуруҳи деб аталувчи жуфтликлар мавжуд бўлиб, улар бўйича Форекс бозоридаги барча операцияларнинг 75%и амалга оширилади: EUR/USD, GBP/USD, USD/CHF, USD/JPY. Кўрамизки, АҚШ доллари тақдим этилган жуфтликларнинг ҳаммасида иштирок этади, шундай қилиб, агар валюта жуфтликларида доллар бўлса, у ҳолда бу жуфтлик асосий валюта жуфтлиги ҳисобланади. Америка доллари иштирок этмаган жуфтликлар "кросс валюта жуфтликлари" ёки кросс курслар дейилади.

Валюта жуфтликларининг тарихидан энг қизиқарли ҳодисаларни кўриб чиқамиз. Форекс бозори тарихи энг қизиқарли ҳаракатлардан бирини 1992 йил кузда, аниқроғи 16 сентябрда инглизларнинг фунти кўрсатди. Кейинчалик бу кун қора чоршанба деб аталди, бунда британия валютаси кескин арзонлашиб кетди. Бу ҳолат GBP/DEM (Фунт/Немис маркаси) ва GBP/USD (Фунт/доллар) валюта жуфтликларида жуда кучли сезилди. 1992

йилнинг ноябридан декабрнинг охиригача инглиз фунтининг тушиб кетиши 25%¹⁵ни (2,01 дан 1,51 GBP/USD гача) ташкил етди. Бу "стерлинг инқирози" асосий сабаби қуйидагилар бўлди деб айтишади: Буюк Британиянинг Европа валюта тизимида белгиланган коридор билан иштирок этиши, яқинда бўлиб ўтган парламент сайловлари, саноат ишлаб чиқариш даражасининг пасайиши, Англия банкининг айнан немис маркасига нисбатан тенгликни тутиб туришга интилиши, шунингдек жуда кўп инвесторларнинг кетиб қолиши. Шу билан бирга даромаддаги номутаносибликлар туфайли немисларнинг валюта бозори инглизларникига нисбатан анча жозибали бўлиб қолди. Натижада спекулянтлар фунт стерлингларни марка ва долларга сотишга тушишди. Валюта инқирозининг оқибатлари қуйидагилар бўлди: фоиз ставкаси 10 дан 15% гача кескин ортди, Буюк Британия ҳукумати фунтни девальвация қилишга ва Европа валюта тизими (ЕВТ) дан чиқишга мажбур бўлди. Натижада фунт эркин сузувчи алмашув курсига қайтди. Бошқа бир қизиқарли валюта жуфтлиги тарзида иена/доллар (JPY/USD)ни ажратиб кўрсатиш мумкин. USD/JPY валюта жуфтлиги энг кўп савдо қилинадиган валюта жуфтликлари орасида евро/доллар ва фунт/доллардан кейин учинчи ўринда туради. У Осиё сессияси даврида фаол савдо қилинади. Одатда, бу валюта жуфтлигининг ҳаракати анча текис, USD/JPY жуфтлиги молия бозорларида хавфнинг кескинлашувига тез таъсирланади. 80-йилларнинг ўрталаридан бошлаб, иена америка долларига нисбатан фаол қимматлаша бошлади. 90-йилларнинг бошларида жонланиш ўрнига Япония иқтисодиётида тўла тўхташ юз берди, ишсизлар сони даражаси ортди, иш ҳақи ва умуман аҳолининг турмуш даражаси пасайди. Натижада, 1991 йилдан бошлаб Японияда кўп миқдордаги молия ташкилотларининг банкрот бўлиши бошланди. Бунинг оқибатида - Токио фонд биржасида котировкалар тушиб кетди, иенанинг девальвацияси юз берди, шундан сўнг ишлаб чиқариш соҳасидаги компаниялар ўртасида банкротликнинг янги тўлқини юзага келди. 1995 йилда еса USD/JPY жуфтлиги бўйича тарихий минимум – 79.80 қайд

¹⁵ www.Instaforex.ru

етилди. 1997–1998 йилларда бошланган Осиё инқироzi япон иенасининг ағдарилишига олиб келди. Бунинг натижасида доллар/иена валюта жуфтлиги курсининг бир долларга 115 иенадан 150 иенагача ўсиши бўлди. Жаҳон иқтисодий инқироzi инсоннинг деярли барча фаолият соҳаларига ўз таъсирини кўрсатди. Форекс валюта бозорини ҳам у четлаб ўтмади. Ҳолбуки Форекс бозорининг иштирокчилари (марказий банклар, тижорат банклари, инвестиция банклари, брокерлар ва дилерлар, пенсия жамғармалари, суғурта компаниялари, трансмиллий компаниялар) жуда оғир аҳволга тушиб қолган бўлсалар ҳам, Форекс бозорининг ўзи муваффақиятли ишлашда давом этмоқда, у барқарор ва ҳар доимгидан ҳам даромадлироқдир. Молиявий инқироз дунёдаги турли валюталарнинг қиймати кескин ўзгаришига олиб келди. Инқироз даврида бошқа барча валюталарга нисбатан иена ҳаммадан кўпроқ мустаҳкамланди. Доллар ҳам эмас, Евро ҳам эмас, айнан иена трейдерлар учун энг ишончли восита бўлиб қолди. Бундай мустаҳкамланишнинг сабабларидан бири трейдерларга валюталарнинг бундай парокандалиги яхши жой топиш ҳаётий зурурият эди. Бошқа мутахассислар иена курсининг мазкур ўсиши сарри траде битимидан воз кечиш билан изоҳлашди. Бироқ бугун дунёдаги асосий валюталар қийматининг кескин ўзгаришига олиб келган 2008-йилдаги жаҳон инқирозидан сўнг иена трейдерлар учун энг ишончли воситалардан бири бўлиб ҳисобланмоқда. У энг кўп савдо қилинадиган йевро/доллар ва фунт/доллар каби валюта жуфтликлари ўртасида учинчи ўринда бормоқда. Қуйида иена савдо қилинадиган асосий валюта жуфтликлари бўйича курсларнинг ўзгариши келтирилган:

ФОРЕКС бозорида брокерлар ва дилинг марказлари воситасида деярли истаган жаҳон валютаси билан савдо қилиш мумкин. Мазкур битирув малакавий ишида энг машҳур валюта жуфтлиги – EUR/USD кўриб чиқилади. Евро - доллар валюта жуфтлиги 2002 йилнинг 1 январида пайдо бўлди¹⁶. EUR ва USD ўртасидаги дастлабки нисбат 1.1750 эди. 2009 йилда статистикага кўра барча кундузги операцияларнинг 36%и евро-доллар валюта жуфтлиги

¹⁶ www.Instaforex.ru

билан амалга оширилишидан далолат беради. Шу кунгача EUR/USD жуфтлиги халқаро Форекс бозорида энг кўп савдо қилинадиган ва эҳтиёж кўп бўлган валюта ҳисобланади. Евро-доллар жуфтлигига қизиқишни - фақат валюта спекуляциларининг профессионалларигина емас, балки трейдингда янги иш бошлаганлар ҳам намоён қиладилар. Бу бозордаги энг фаол жуфтликлардан бири бўлиб, у унча катта бўлмаган валотиллик билан фарк қилиб, бунинг ҳисобига Форекс бозорида турлича иш тажрибасига эга бўлган трейдерларни жалб қилади. Евро-доллар жуфтлигининг ҳаракатлари текис, лекин савдо қилиш куни давомида юқори даражадаги фаолликни кузатиш мумкин бўлиб, бунинг ҳисобига кунлик ва қисқа муддатли трейдерлар катта фойда олишади. Евро-доллар валюта жуфтлиги билан савдо қилувчи трейдерлар АҚШ ва Европа Иттифоқидаги иқтисодий воқеалардан доим хабардор бўлишлари керак. Трейдер бозорга кирар экан нархнинг жорий қийматини баҳолаши, трендни чизиши ва савдонинг қисқа муддатли даврида тарихий даражаларни топиши керак. Форекс бозоридаги ҳар бир валюта жуфтлиги ўзининг ажралиб турувчи хусусиятларига эга ва турли омилларнинг таъсирига берилади. Трейдерлар бу хусусиятларни тушунишлари ва буларга эътибор берган ҳолда савдо қилишлари керак.

GBP/USD – бу британиянинг фунти ва американинг доллари валюта жуфтлигининг қисқартма шаклидир. Валюта жуфтлиги котировкаси 1 британия фунтини сотиб олиш учун қанча АҚШ доллари тўлаш кераклигини кўрсатади. GBP/USD Европада ва айниқса Буюк Британияда жуда оммабоп савдо воситаси ҳисобланади. У жаҳондаги энг куп савдо қилинадиган валюта жуфтликлари орасида учинчи ўринни эгаллайди, ҳар кунлик савдо ҳажми бутун Форекс валюта бозори айланмасининг тахминан 12%ини ташкил этади. Мазкур валюта жуфтлиги кучли ўзгарувчан ва етарли даражада ҳолатини олдиндан айтиб бериш қийин. Бу жуфтликда нархнинг ўзгариши қисқа муддатли ва портловчи хусусиятга эга. Ҳар кунлик ўзгаришлар ўртача 130 пунктга ча етади. GBP/USD бўйича ликвидликнинг пастлиги Осиё сессиясида кузатилади (ўртача ҳаракат тахминан 30 пункт). Кўпчилик трейдерлар бу жуфтлик-

дан кўра EUR/USD жуфтлигини афзал кўришади. Британия фунти, одатда, EUR/USD валюта жуфтлиги йўналишида ҳаракатланади, аммо бу ҳар доим ҳам шундай бўлавермайди. Фунт/долларнинг ҳаракатлари аниқ "кабел" янгиликлари (GBP/USD жуфтликни баъзан "кабел" деб аташади - XIX асрда Лондон ва Нью-Йорк биржалари орасидаги алоқани трансатлантик кабел таъминлаган) чиққан даврда фунт/долларнинг ҳаракатлари евро/долларнинг валюта жуфтлигининг ҳаракатларидан кескин фарқ қилиши мумкин. Масалан, Англия Банки томонидан фоиз ставкасини ўзгариши GBP/USD жуфтлиги курсида намоён бўлади. Фунтнинг ҳаракатлари евро ва швейцария франкининг ҳаракатларига ўхшайди. Фунт билан савдо қилганда нарх ҳаракатларининг юқори кучи сабабли ҳар доим еҳтиёт бўлиш керак, айниқса фунт билан кросс-курсларда. GBP/USD кўпинча янгиликларга қарши юради, ҳаттоки бу валюта жуфтлиги учун ҳаммаси яхши бўлган вақтларда курси тушиши мумкин.

Фонд бозори ва Форекс бозори бир-биридан қатор фарқ қилувчи жиҳатларга эга. Россияда сток-маркетни акциядорлик бозори деб аташ ҳам қабул қилинган. Бу икки бозор ўртасидаги фарқ нимада?

1. Сток-маркетда иш Нью-Йорк вақти бўйича эрталаб соат 9.30 дан бошланади ва 16.00 гача давом этади. Шунинг учун битимларнинг кўпроқ қисмини кундузи амалга оширувчи трейдерлар сутканинг бу вақтида сток-маркетда фаол савдо қила олмайдилар. Ундан фарқли равишда, Форекс бозори куну-тун ишлайди (шанба-якшанбадан ташқари, бу кунлари савдо олиб борилмайди), бу эса трейдерга бозорга мослашиб ўтирмасдан ўзи учун савдо қилишга энг қулай ва тўғри келадиган вақтни танлашга имкон беради.

2. Сток-маркетда турли компанияларнинг минглаб акциялари билан савдо олиб борилгани сабабли қандай компанияларнинг ва қайси акцияларнинг нархлари ўсиши ёки аксинча камайиши мумкинлигини олдиндан билиш ёки башорат қилиш жуда мураккаб ёки амалий жиҳатдан мумкин ҳам эмас. Шунингдек, уларнинг барчаси билан муфассал танишиб чиқишнинг ҳам имкони йўқ. Шунинг учун ҳам кузатиш мумкин бўлган

компанияларнинг улкан тўпламидан кейинчалик кузатиш учун бирорта асосийларини танлаб олиш ҳам мураккаб вазифа бўлиши мумкин. Бирок Форексда кўпчилик ҳолларда, нархи АҚШ долларларида бўлган бир қанча аниқ валюталар билан савдо амалга оширилади. Шунингдек, бу валюта жуфтликларининг долларга нисбатан ва бир-бирига нисбатан қиймати иқтисодий воқеалар ва янгиликларнинг таъсирига сток-мартетдаги компаниялар акцияларидан фарқли равишда анча кучлироқ таъсир остида бўлади. Қизиқтирувчи мамлакатлар ичидаги ишларнинг ҳолатига таъсир кўрсатувчи объектив иқтисодий омилларни таҳлил қилиш анча осон, чунки иқтисодий янгиликлар оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритилиб турилиши туфайли доим еркин фойдаланишда мумкин бўладилар.

3. Мамлакат ичкарасида иқтисодий вазият ёмонлашган ва бозор доимий таназзулга юз тутган вақтларда сток-маркетда савдо қилувчи инвесторлар мураккаб вазиятга тушиб қолишади. Бундай пайтларда уларнинг даромади жуда ачинарли даражада тушиб кетади, айрим ҳолларда эса агар инвестор ўйинни пасайтиришга томон олиб бориши учун брокердан қарзга пул олмагунча ҳатто нолгача ҳам тушиб қолиши мумкин. Иқтисодиётнинг циклик ривожланиши сабабли у ўсгандан сўнг албатта пастга тушиш вақти келади, унинг давомийлиги бир неча ойдан бир неча йилгача ўзгариши мумкин. Бу вақтда Форекс бозорида, сток-маркетдан фарқли равишда, трейдерлар нархи ошиб бораётган валютани сотиб олиб ва нархи тушиб бораётган валютани сотиб, савдони амалга оширишади. Мана шу Форекс валюта бозорида савдо олиб боришнинг ва ундан фойда олишнинг асосий тамойилидир. Форекс валюта бозорининг бир қатор ижобий жиҳатларига қарамай сток-маркет акциялар бозорига нисбадан бу ерда юз фоизли ютуққа ҳеч ким кафолат бера олмайди. Сток-маркетдагига ўхшаш, бу ерда ҳам ўзининг барча маблағларини йўқотиш эҳтимоли бор.

Трейдерлар орасида Форекс ёки фонд бозорида савдо қилишни танлаш масаласида кўпинча мунозаралар вужудга келади. Баъзилар фонд бозори анча яхши, унда пул топиш анча осонлигини исботласа, бошқалар, аксинча,

Форексда пул топиш осон ва тезроқ, чунки бу ерда кредит елкаси бор, депозитга бўлган талаблар эса минимал деб ишонтиришади. Шунинг учун савдо механизмларнинг барча деталларини яхшилаб ўрганиб чиқиш керак бўлади.

Форекс бозори ва фонд бозори ўзаро жуда яқин боғланган, бироқ уларда бажариладиган операцияларнинг қонун-қоидалари билан фарқ қилади. Жумладан Форексда савдо валютада амалга оширилади, фонд бозорида эса акциялар ва облигациялар билан амалга оширилади. Энг катта фонд бозорлари Нью-Йоркда, Лондонда ва Токиода жойлашган. Фонд бозори Форексдан битта муҳим жиҳати билан фарқ қилади - бу савдо учун керак бўладиган суммалардаги фарқдир. Фонд биржасида акциялар сотиб олиш учун жуда катта маблағ керак бўлади - ўндан юзминг ва ундан ортиқ, бироқ бу ерда савдо Форексдан фарқли равишда тинч ва бир текис суръатда ўтади, бу ерда унча катта бўлмаган вақт оралиғида жуда кўп маблағ ишлаб олиш мумкин, жуда катта маблағдан ажралиб қолиш ҳам мумкин. Фонд бозори ўз навбатида, бирламчи ва иккиламчи бозорга ажралади. Бирламчи бозорда биринчи марта чиқарилган қимматли қоғозларни жойлаштириш юз беради. Уларнинг харидорлари одатда индивидуал ва институционал (инвестиция фондлари, суғурта ташкилотлари ва бошқ.) инвесторлар ҳисобланади. Иккиламчи фонд бозорининг тузилмаси биржадан ташқари бозордан ва фонд биржасидан ташкил топади. Бу ерда емиция қилинган ва қимматли қоғозларни бошқа инвесторларга қайта сотиш амалга оширилади. Бу бозорда бош иштирокчилар спекулянтлар ҳисобланиб, улар қимматли қоғозларни пастроқ нархларда сотиб олиб, кейин эса уларни юқорироқ нархда сотишади.

Фонд бозорида савдо қилишнинг асосий афзалликларини кўриб чиқамиз:

- қимматли қоғозлар, опционлар ва фьючерслар билан савдо қилиш;
- акциялар ҳаракатини олдиндан билиш мумкинлигидир.

Агар валюта жуфтликларининг ҳолатига жуда кўп турли хил омиллар (инфляция, фоизли ставкалар, ривожланган мамлакатлардаги ишсизлик даражаси ва бошқ.) таъсир қилса, у ҳолда акцияларнинг эса тақдирини

олдиндан билиш осонроқ. Бироқ бирор хил муҳим воқеалар, баёлотлар, статистик маълумотлар натижасида кескин динамика (нархнинг тушиб кетиши ёки кўтарилиши)га мойилдир. Камчиликларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- молиявий-иқтисодий инқироз юз берган ҳолда акцияларнинг кадрсизланиши; - миждозларнинг ордерларининг сирпаниши, дам олиш кунларидан кейинги доимий геплар (узилишлар) туфайли ордернинг кўрсатилган қиймат бўйича бажарилишини қийинлаштиради;

- биринчи бадал миқдори анча катта;

- аксиялар савдо портфелининг ликвидлиги паст даражада, ўз товарини сотиш учун баъзан узоқ муддат кутишга тўғри келади; - ўзгарувчанлик катта (нархларнинг тебраниши). Форекс бозорининг афзалликлари орасида енг муҳимларини кўрсатамиз:

- барқарорлик, ахир Форекс биржа индексининг тушиб кетишидан ва бозордаги ягона товар бўлган валютанинг ўзига хослиги туфайли молиявий синишдан ҳимояланган;

- товарнинг ликвидлиги. Валютани тўла ҳажмда ва керакли қийматда сотилишида муаммолар юзага келмайди, чунки халқаро Форекс бозорида харидорлар жуда кўп;

- куну тун кириш мумкин. Истаган пайт ва интернетга кириш мумкин бўлган истаган жойда битим тузиш мумкин;

- ўзгарувчанлик анча паст даражада. Валюта нархларининг ҳар кунлик ўзгаришлари 1%дан ошмайди;

- биринчи бадал унча катта эмас. Ҳатто бир доллар билан ҳам Форексда Иш бошлаш мумкин; - кредит йелкаси мавжуд. Валюта бозрида операцияларни амалга ошириш учун фақат кафолат маржасинигина киритиш зарур;

- бозорга янги кирганлар ва бошқалар учун DEMO ҳисоб-варағини очиш мумкинлиги.

Форекс бозорининг айрим камчиликлари:

- савдо интизоми даражаси унча юқори емас. Йўқотишларни ўзингиздан бошқа ҳеч ким назорат қилмайди;

- битим ҳажмларини нотўғри танлаш туфайли маблағ йўқотиш. Якунида қуйидагиларни айтиб ўтмоқчимиз: бозорни танлаш, шубҳасиз трейдернинг ўзига боғлиқ. Шунинг учун танловни шахсий қарашлар ва устуворликларга таянган ҳолда амалга ошириш керак. Бозордаги йўналишларни кузатинг ва бўлиши мумкин бўладиган хатар омилларини ҳисобга олинг.

1.3. Форекс бозорини фундаментал ва техник таҳлил қилиш усуллари

Ривожланган давлатлар амалиётида таҳлилнинг 2 услуби, яъни фундаментал ва техник таҳлил усуллари мавжуд.

Техник таҳлил - бу, асосан графиклар ёрдамида, баҳоларни келгусидаги ҳаракат йўналишини прогнозлаш мақсадида бозор динамикасини ўрганишдир. "Бозор динамикаси" атамаси, техник таҳлил ихтиёрида бўлган баҳо, ҳажм ва очик манфаатдан иборат 3 маълумот манбасини ўз ичига олади.

Техник таҳлил қуйидагиларга асосланади:

- 1) бозор барча нарсаларни ҳисобга олади;
- 2) баҳолар ҳаракати тенденцияларга бўйсунган;
- 3) тарих қайтарилмоқда.

Бозор барча нарсаларни ҳисобга олади. Ушбу тушунча техник таҳлилнинг асл мазмунини ташкил этади. Техник таҳлилчи фараз қилади, фьючерс товар шартномаси баҳосига таъсир эта оладиган иқтисодий, сиёсий, психологик ва ҳар қандай сабаблар албатта ўз аксини товар баҳосида топади.

Бундан келиб чиқадики, бозор иштирокчиларидан талаб этиладиган нарса - бу, баҳолар ҳаракатини синчковлик билан ўрганишдир. Бошқача қилиб айтганда, талаб ва таклиф динамикасидаги ҳар қандай ўзгариш

баҳолар динамикасида акс етади. Агар талаб таклифдан юқори бўлса, баҳолар ўсади. Агар таклиф талабдан юқори бўлса, баҳолар пасаяди. Булар ҳар қандай иқтисодий прогнозлаштириш асосида ётади. Техник таҳлилчи эса бу масалага бошқача ёндошади ва қуйидагича фикр юритади: агарда бозорда баҳолар қандайдир сабабларга кўра кўтарила бошлаган бўлса, DEMак талаб таклифдан юқоридир. DEMак, макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича бозор "ҳўкизлар" учун қулайдир. Агар баҳолар пасайиб бораётган бўлсаб унда бозор "айиқлар" учун қулайдир.

Талаб ва таклифнинг чуқур механизми у ёки бу товар бозорининг иқтисодий табиати, баҳоларнинг пасайиш ёки кўтарилиш тенденциясини белгилаб беради. Графиклар ўзидан-ўзи бозорга таъсир эта олмайди. Улар бозордаги ҳозирги пайтда шаклланган пасайиш ёки ўсиш тенденциясини акс эттиради.

Графиклар таҳлили бўйича мутахассислар одатда баҳолар ўсиши ёки пасайишини келтириб чиқарган омилларнинг чуқур сабабларига ўз эътиборларини қаратмайдилар. Кўп ҳолларда баҳолар ўзгариш тенденцияси ендигина шаклланишининг дастлабки босқичларида ёки аксинча қандайдир ҳал қилувчи босқичларда бундай ўзгаришларнинг сабаблари ҳеч кимга маълум бўлмаслиги мумкин.

Масалага техник ёндошиш масалани соддалаштиради ёки кўполлаштиради, деган фикр ҳосил бўлиши мумкин. Бироқ "бозор барча нарсани ҳисобга олади" деган тушунча ортида ётган мантиқ шуни аниқ кўрсатадики, бозорда техник таҳлилчи қанчалик кўп тажриба орттирса, юқорида зикр етилган тушунчанинг шунчалик ҳаётийлиги келиб чиқади. Бундан хулоса шуки, бозор баҳосига таъсир этувчи ҳар қандай нарса албатта ушбу баҳога ўз таъсирини кўрсатади. DEMак, баҳолар динамикасини синчиклаб ўрганиш ниҳоятда зарурдир. Баҳо графиклари ва кўпчилик қўшимча индикаторларни таҳлил етган ҳолда техник таҳлилчи шунга эришадики, бозорнинг ўзи ривожланишнинг эҳтимолли йўналишларини кўрсатиб беради.

Баҳолар ҳаракати тенденцияларга бўйсунди. Тенденция ёки тренд (тренд) тушунчаси техник таҳлилда асосни ташкил этувчилардан биридир. Шунинг учун тушуниб олиш керакки, бозорда содир бўлаётган ҳар қандай ўзгариш у ёки бу тенденцияларга бўйсунгандир. Фьючерс бозоридаги баҳолар динамикасини кўрсатувчи графиклар тузишдан асосий мақсад ушбу тенденцияларни дастлабки пайдо бўлиши пайтидаёқ уларни аниқлаб топиш ва ҳаракат йўналишига мувофиқ равишда савдо қилишдир.

Техник таҳлилнинг кўпчилик услублари, ўз табиатига кўра, "тренд фолловинг" тенденцияси кетидан ергашувчи ҳисобланади, яъни уларни функциялари таҳлилчига тенденцияни аниқлаб топишга ёрдам бериш ҳамда ушбу тенденцияга унинг мавжудлиги даври мобайнида риоя этишдан иборат.

Баҳолар ҳаракати тенденцияларга бўйсунди деган тушунчадан 2та хулоса келиб чиқади:

- 1) ҳаракатдаги тенденция ҳар қандай эҳтимолга кўра ўзига қарама-қарши бўлган тенденцияга айланмай, ривожини давом этади;
- 2) ҳаракатдаги тенденция токи унинг тескари (қарама-қарши) ҳаракати бошлангунга қадар ривожини давом этади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда савдо, то тренд ҳаракати тескари бурилишга ҳаракати бошлангунга қадар давом этиши керак экан.

Техник таҳлил – бу турли хил вақт оралиқларидаги маълумотларни таққослаш йўли билан нарх ҳаракатини башорат қилиш ва бозорнинг ўзини тутиш қонуниятларини аниқлаш усулидир. Форексда нарх билан ишлашда техник таҳлилнинг қўлланилиши кўпчилик трейдерлар учун жуда зарур ҳисобланади. Техник таҳлил учта умум қабул қилинган тамойилга асосланади:

1. Бозордаги ҳаракатлар ҳамма нарсани ҳисобга олади Нархга доимо турли хил ташқи кўрсаткичлар томонидан таъсир кўрсатиб турилади, бироқ техник таҳлил нарх ҳаракатига таъсир қилувчи сиёсий, иқтисодий ва психологик омилларни ўрганиш мажбурий эмаслигини назарда тутаяди, чунки нархнинг ривожланишидаги бош кўрсаткич хусусан нарх ҳисобланади.

Омиллардан исталганининг ҳар қандай таъсири нархда ҳисобга олинган ва акс эттирилган, шунинг учун ўрганишнинг бош объекти айнан у бўлади.

2. Нархнинг ҳаракати маълум йўналишга бўйсинади Техник таҳлил қўлланганда тренднинг аҳамиятини тушуниш зарур. Техник ёндашувнинг бош мақсади нархнинг ҳаракатланиш йўналишини аниқлашдан иборат бўлиб, кейинчалик ана шу йўналишга мувофиқ савдо қилишдир. Трендларнинг уч тури мавжуд: • ҳўкиз, бунда нарх ўсади • айиқ, бунда нарх пасаяди • ён томон, нарх ҳаракатида маълум бир йўналишга эга эмас Одатда, нарх ҳаракати вақтида тренднинг турларидан ҳар бирини аниқлаб топиш мумкин, бироқ асосийси тарзида доим биттаси иштирок этади. Шунингдек шуни эсдан чиқармаслик керакки, йўналишнинг ўзгариши у узатадиган маълум бир аниқ сигналлардан сўнггина юз беради. 3. Тарих такрорланмоқда. Мазкур тамойил инсоният тарихи давомида қоидалар ва таҳлилнинг маълум турлари ўзгармайди, деган тасдиққа асосланган бўлиб, бу турли вақт оралиқларида нарх ҳаракати йўналиши кўп карра такрорланишни кўрсатади. Техник таҳлил усули билан бозор динамикасини ўрганиш аввало графиклар воситасида тадқиқ етилади. Бунда асосий воситалар қуйидагилар ҳисобланади:

- осилляторлар;
- япон шамлари;
- барлар (кесмалар) графиклари;
- чизиқли график;
- трендли индикаторлар;
- тўлқинли таҳлил.

Техник таҳлил валюта бозорида нархларнинг ҳаракатини башорат қилишнинг асосий воситаси бўлиши мумкин. Мазкур услуб профессионал трейдерлар ва Форекс таҳлилчилари томонидан муваффақиятли фойдаланилмоқда, уларнинг кўп йиллик тажрибаси савдода техник таҳилнинг қўлланилиши мақсадга мувофиқ эканлигидан далолат бермоқда.

Техник ва фундаментал таҳлилни ўзаро таққослаш¹⁷. Агар техник таҳлил асосан бозор динамикасини ўрганиш билан шуғулланса, фундаментал таҳлилнинг предмети бўлиб баҳолар ўзгариши ёки тебранишини келтириб чиқарувчи, баҳоларни юқорига ўсиш ёхуд пастга тушишга ёки маълум бир даражада қотиб туришга мажбур этадиган, талаб ва таклифнинг иқтисодий кучлари ҳисобланади.

Фундаментал ёндошувда товар баҳосига таъсир этувчи барча омиллар таҳлил этилади. Бу эса товарнинг ички ёки ҳақиқий қийматини аниқлаш учун амалга оширилади.

Фундаментал таҳлилнинг натижаларига кўра товарнинг айнан шу ҳақиқий қиймати у ёки бу товар ҳақиқатда қанча туришини акс эттиради. Агар товарнинг ҳақиқий қиймати бозор баҳосидан паст бўлса унда товарни сотиш керак. Чунки унинг ҳақиқий қийматидан кўра юқорироқ баҳода сотиб олишмоқчи. Агар, товарнинг ҳақиқий қиймати унинг бозор баҳосидан юқори бўлса, унда товарни сотиб олиш керак. Чунки товар унинг ҳақиқий қийматидан кўра паст баҳода сотиб олинмоқда.

Бозорни прогнозлаш билан шуғулланувчи техник ва фундаментал таҳлил, иккаласи ҳам қайси йўналишда баҳоларни ҳаракатланишини аниқлаш билан бир муаммони ҳал этмоқчи. Аммо ушбу масалага улар ҳар хил тарафдан ёндашадилар.

Агар фундаментал таҳлилчи бозор ҳаракатининг сабабларини ўрганмоқчи бўлса, техник таҳлилчини фақатгина ушбу ҳаракатнинг ўзи қизиқтиради. Яъни, техник таҳлилчининг мақсади ушбу ҳаракат ёки бозор динамикасининг мавжудлигини билиш ҳолос. Ушбу ҳаракатни келтириб чиқарувчи сабаблар унинг учун муҳим емас.

Фундаментал таҳлилчи эса ушбу ҳаракатнинг сабабини, яъни нима сабабдан ушбу ҳаракат ёки динамика содир бўлганлигини билишга интилади. Фьючерслар билан шуғулланувчи кўпчилик мутахассислар ўзларини фунда-

¹⁷ www.Instaforex.ru

ментал ёки техник таҳлилчилар қаторига қўшади. Аслида эса фундаментал ва техник таҳлилчилар ўртасидаги фарқ аниқ ёки сезиларли эмас.

Кўпчилик фундаментал таҳлилчилар графикларни таҳлил этишнинг бошланғич билимига эга. Шу билан биргаликда, шундай техник таҳлилчи йўқки, фундаментал таҳлилнинг асосий қоидаларини билмаган бўлсин. Аммо амалда ушбу 2 услубнинг бир-бирига аралашishiга асло йўл қўймайдиган тарафдорлар мавжуд. Гап шундаки, таҳлилнинг бу иккала услуби кўп колларда ўзаро қарама-қаршиликка учрайди. Одатда, бозордаги муҳим ўзгаришлар (жараёнлар)нинг энг бошида бозорнинг хатти-ҳаракатлари фундаментал таҳлилнинг ҳеч бир чегарасига сиғмай қолади ва буни фақат иқтисодий омиллар асосида тушунтиришнинг имкони бўлмай қолади. Айнан шундай, умумий тенденция учун танг ҳолатларда таҳлилнинг 2 услуби биридан сезиларли фарқлана бошлайди. Кейинчалик қандайдир босқичда улар фаза бўйича бир-бирига мос келади. Аммо бундай ҳолатда энди трендларнинг ўхшаш ҳаракат қилиши учун (бозордаги ўзгаришга мувофиқ равишда) кеч бўлади.

Юқорида зикр етилган 2 услуб ўртасидаги қарама-қаршиликнинг сабаби қуйидагича бўлиши мумкин: бозор баҳоси барча маълум фундаментал маълумотларни (тарқалиши нуқтаи назаридан) тезлик жиҳатидан ошади. Бошқача қилиб айтганда, бозор баҳоси фундаментал маълумотларни ўзиб ўтувчи индикатор бўлиб хизмат қилади (ёки соғлом мантиқ).

Бозор барча маълум иқтисодий омилларни ҳисобга олган бўлсада, баҳолар қандайдир янги, ҳали ўрганилмаган омиллар таъсирида ўзгара бошлайди.

Тарихда баҳолар ўсиши ва пасайишининг энг сезиларли даврлари, фундаментал кўрсаткичлар нуқтаи назаридан ҳеч қандай ўзгариш кутилмаган даврда бошланган ҳамда ушбу ўзгаришлар фундаментал таҳлилчиларга тушунарли бўлган пайтда янги тенденция ўзининг энг юқори чўққисига етган бўлар эди.

Вақт ўтиши билан техник таҳлилчига графикни ўқиш ва таҳлил қила олиш ишончи келади. У аста-секин бозорни соғлом мантиққа тўғри келмаслиги вазиятига ўрганади. Техник таҳлилчи, бугун ёки эртага бозор динамикасининг сабаблари барчага аён бўлишини аниқ билади. Албатта бу кейинчалик бўлади. ҳозир эса ушбу қўшимча ишончга вақт сарфлаш мумкин эмас.

Техник таҳлил билан юзаки танишишнинг ўзигина унинг фундаментал таҳлилдан устун эканлигини кўрсатади. Агарда бу иккала усулдан бирини танлаш масаласи турса, унда, албатта, техник таҳлилни танлаш керак. Чунки биринчидан таърифга кўра у фундаментал таҳлил фойдаланадиган маълумотларни ўз ичига олади. Агарда ушбу маълумотлар бозор баҳосида ўз аксини топса, унда уларни алоҳида таҳлил етишга зарурат қолмайди. DEMак, графиклар таҳлили фундаментал таҳлилнинг соддалаштирилган шаклига айланади. Афсуски, фундаментал таҳлил ҳақида бундай деб бўлмайди. Фундаментал таҳлил баҳолар динамикасини ўрганиш билан шуғулланмайди. Фақат техник таҳлил билан фойдаланган ҳолда товар фьючерслар бозорида муваффақиятли ишлаш мумкин.

Биринчи қарашда юқорида зикр етилган таққослаш унчалик тушунарли эмас. Аммо агар қарор қабул қилиш жараёнини 2 таркибий қисмга ажратган ҳолда кўриб чиқилса барча нарса тушунарли бўлади:

- 1) вазиятнинг таҳлили;
- 2) вақтни (пайтни) танлаш.

Биржада муваффақиятли ўйнаш учун айниқса фьючерс шартномаларида бозорга кириш ва бозордан чиқиш вақти (пайти)ни тўғри танлаш ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Чунки бунда ричаг (leverage) самараси юқоридир.

Тенденцияни тўғри аниқлаган ҳолда пул йўқотиш мумкин. Гаров кафолатининг унчалик катта бўлмаган миқдори (одатда 10 фоиздан кам) шунга олиб келадики, баҳоларни биз учун номувофиқ бўлган йўналишда арзимаган тебраниши бизни бозордан сиқиб чиқариши мумкин. Натижада гаров маблағларидан тўла ажралиб қолишимиз мумкин.

Таққослаш учун фонд биржасида ўйнаётган трейдер агарда бозор унга қарши бораётганлигини сезса унинг кўчасида ҳам байрам бўлишига ишонган ҳолда кутиб туриш (пойлаш) позициясини танлаши мумкин. Трейдер ўз аксиялари ҳаракатини тўхтатади, яъни трейдердан у инвесторга айланади.

Товар бозорида эса бу асло мумкин эмас. Фьючерс шартномалари учун "сотиб ол ва ушлаб тур"тамойили мутлақо тўғри келмайди. Шу сабабли юқорида зикр этилган 2 таркибий қисмга қайтсак, таҳлил фазасида ҳам техник таҳлил ҳамда фундаментал услубдан фойдаланиш мумкин (тўғри прогнозни олиш учун). Бозорга кириш ва ундан чиқиш вақтини тўғри танлашга келсак, бунинг учун фақат техник услуб керак бўлади. Шундай қилиб, ўз зиммасига бозор мажбуриятларини олишдан олдин, трейдер амалга ошириши керак бўлган қадамларни кўриб чиқиб, дастлабки босқичларда фундаментал таҳлилдан фойдаланилган бўлса ҳам яна бир бор ишонч ҳосил қилишимиз мумкин, айнан маълум бир босқичда техник таҳлил мутлақо зарурдир.

Техник таҳлилнинг кучли тарафларидан бири шундаки, ундан ҳар қандай товар билан савдо жараёнида ва вақтнинг ҳар қандай оралиғида фойдаланиш мумкин.

I боб бўйича хулоса

Хорижий валюталар билан операциялар қадимдан пулларни ўзаро алмаштириш операциялари шаклида амалга ошган. Бироқ замонавий тушунча сифатидаги валюта бозорлари XIX асрга келиб шаклланди. Миллий бозорлар ва уларнинг ўзаро алоқалари ривожланиб бориши билан жаҳон молиявий марказларида жаҳоннинг етакчи валюталари учун яхлит жаҳон валюта бозори шаклланди.

Форекс бозори (ингл. FOREX market, ёки FX-market) — валюталарни банклараро алмаштириш бозоридир. ФОРЕКС бозори битта валютани сотиб олишни ва шу вақтда иккинчисини сотишни ифода этади. ФОРЕКС энг йирик жаҳон молия бозори ҳисобланиб, у фонд бозоридан бир неча марта катта. Форекс бозорининг кундалик айланмаси 5 триллион доллардан ортади.

ФОРЕКС - бу биржадан ташқари бозор бўлиб, бу ерда операциялар брокерлар орқали амалга оширилади. Савдо суткасига 24 соат, ҳафтада 5 кун давом этади. Форекс бозори ва фонд бозори ўзаро жуда яқин боғланган, бироқ уларда бажариладиган операцияларнинг конун-қоидалари билан фарк қилади. Жумладан Форексда савдо валютада амалга оширилади, фонд бозорида эса акциялар ва облигациялар билан амалга оширилади.

ФОРЕКС бозорида таҳлилнинг 2 услуби, яъни фундаментал ва техник таҳлил усуллари мавжуд. Агарда бу иккала усулдан бирини танлаш масаласи турса унда албатта техник таҳлилни танлаш керак. Чунки биринчидан у фундаментал таҳлил фойдаланадиган маълумотларни ҳам ўз ичига олади.

II БОБ. ФОРЕКС БОЗОРИ ВА ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯ-ЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАҲЛИЛИ

2.1. Форекс бозори таҳлили

Форекс бозори тенденциясига, шунингдек, алоҳида валюта курсларига таъсир этувчи турли хил омиллар мавжуд. Фундаментал таҳлил валюта курсига 2 хил таъсир этади:

1.Қисқа муддатли:

- бир неча кун ва соатларда таъсир қиладиган индикаторлар ҳисобланади;
- асосан бозор кичик ўйинчиларининг ресурсларини етарли миқдорда эмаслиги боис ишлатилади.

2.Узок муддатли:

- мутахассислар томонидан таҳлил қилинади;
- бозор стратегик таҳлилида ҳисобга олинади;
- қисқа муддатли фундаментал таҳлилдаги макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳисобга олинади, фақат бунда вақт бўйича каттароқ бўлади.

Фундаментал таҳлил бевосита бозорга таъсир этувчи бир неча кўрсаткичлар гуруҳларини кўрсатиб ўтади:

- Форс-мажор кўрсаткичлари: бу шундай ҳолатки, жаҳонда тўсатдан рўй берадиган ва назорат қилиб бўлмайдиган ҳолатлар;

- Табиий офатлар (цунами, вулқонлар, зилзилалар);

- Эпидемиялар;

- Террор ҳаракатлари ва бошқалар.

Бозордаги энг тез ва шиддат билан ўзгарадиган ҳаракатлар форс-мажор ҳолати билан боғлиқ бўлади:

- бозорда ўзгаришлар ҳар хил бўлиши катта эҳтимолликка эга. Бунда ҳеч қандай умумий маслаҳат бериб бўлмайди, ҳар битта ҳолатни алоҳида кўриб чиқишга тўғри келади;

- бундай ҳолат аниқланмагунча ҳамма буйруқларни бекор қилиш лозим. Қуйидаги 3 расмда форс-мажор ҳолати бўлган террорчилик ҳаракатини Форекс бозорига таъсирини кўришимиз мумкин.



2.1-расм. 2001 йил 11 сентябрдаги террорчилик ҳаракатини форекс бозорига таъсири¹⁸

Юқоридаги расмда кўриниб турибдики, террорчилик ҳаракати натижасида самолётларнинг эгизак минораларга урилиши бозор трендини 1.6900 пунктдан 1.6750 пунктга пасайтирган. Учинчи самолётнинг Пентагон яқинида портлаши эса, бозор трендини 1.6350 пунктгача тушишига олиб келди. Бу ҳолатда бозор иштирокчилари АҚШ долларига нисбатан қисқа

¹⁸www.alpari.ru

позицияга, еврога нисбатан эса, узун позицияга кириши мавжуд рискларни камайтириши мумкин. Умуман олганда, форс-мажор ҳолатида, инвестор позицияларини ёпиб вақтинча бозордан чиқиб туриши маъқулдир.

Форекс бозорига таъсир қилувчи сиёсий кўрсаткичларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- сиёсий жараён;
- сиёсий сайловлар;
- сиёсий урушлар;
- қонундаги ўзгаришлар;
- катта иш ташлашлар.
- давлат сиёсатининг психологик қабул қилиниши;
- сиёсий ўзгарувчанликлар;
- бетарафликлар;
- ижобий таъсир кўрсатадиган сиёсий шароит.

Сиёсий кўрсаткичлар муҳимлигига қарамасдан фундаментал таҳлилда асосан иқтисодий кўрсаткичлар муҳим рол ўйнайди. Биринчидан, ҳар қандай валюта давлат иқтисодий ўсиши натижасида юзага келади ва унинг нархи маълум иқтисодий меъёрлар ёрдамида тартибга солинади.

Асосий иқтисодий кўрсаткичлар:

- асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар;
- олди-сотди шартномалари;
- марказий банклар кенгаши;
- пул-кредит сиёсатининг ўзгариши.

Марказий Банклар инфляция даражасини тартибга солади, миллий валюта ва уни қуйидаги 3 та асосий фоизли ставкалар асосида тартибга солишга ҳаракат қилади:

- Ҳисобга олиш ставкаси (Discount rate) - бунда марказий банк шу давлатга тегишли бўлган тижорат банкларига берадиган фоиз ставкасидир;

- РЕПО (Repo rate) - бу марказий банкнинг тижорат банклари ва бошқа кредит институтлари ёки давлат ғазначилик мажбуриятлари билан ўзаро

ҳисобларида харид операцияларида қўлланиладиган фоиз ставкасидир. Шундай қилиб, марказий банк ссуда капитали бозорини тартибга солишни амалга оширади;

- Lombard rate - марказий банк томонидан кўчмас мулклар олтин валюта қиймати эвазига тижорат банклари томонидан бериладиган кредит фоизи ставкаси тушунилади.

Форекс бозорига АҚШнинг Федерал резерв тизими қарорлари катта таъсир қилади. Шунинг учун унинг фаолиятини таҳлил қилиш лозим.

АҚШ Марказий банки функцияларини 1913 йилда яратилган Федерал резерв системаси (ФРС) бажаради. ФРС 12 та расман мустақил регионал федерал резерв банклари тармоғини ўзида акс эттиради. Бу банкларнинг ҳар бири ўз президенти ва директорлар кенгашига эга бўлади. ФРС фаолиятини 7 кишидан иборат бўлган ва ҳар бири бу лавозимга 14 йиллик муддатга сайланадиган бошқарувчилар кенгаши томонидан бошқарилади. Давлат президент томонидан АҚШ конгресси бошқарувчиларининг номзоди тасдиқланади.

Кредитлаштириш асосий ставкалари ўзгаришлари ва очиқ бозор ҳақидиги қарорлари федерал комитети йиғилишида қабул қилинади. Бундай йиғилишлар жадвалга кўра бир йилда 8 марта ўтказилади ёки жудаям муҳим бўлганда режали йиғилиш асосида ўтказилади. Унинг ичига ФРСнинг барча бошқарувчилари ва 5 та федерал банкларнинг президентлари киради.

NewYork ФРС бўлимининг президенти бу комитетнинг вакили ва раисдош бўлиши лозим. Қолган 4 та федерал банклари вакиллари ҳар йили ротацион нуктаи назаридан алмашиб туради.

Асосий макроиктисодий индикаторларга қуйидагилар киради:

- Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) - Gross domestic product (GDP);
- Саноат ишлаб чиқариш ҳажми (Industrial production);
- Меҳнат унумдорлиги (Productivity);
- Ишлаб чиқариш захираларининг ҳажми (сотилмаган маҳсулот)-

Business inventories.

Бандлилик

- Ишсизлик даражаси (unemployment rate)
- Иқтисодийнинг қишлоқ хўжалиги тармоғини ҳисобга олмаган ҳолда ишга жойлашганлар миқдори (non-farm payrolls)

Инфляция

- Истеъмолчилар нарх индекси- Consumer price index(CPI)
- Саноатга мўлжалланган товарларнинг нарх индекси -Producer price index(PPI).

Ички талаб

- Аҳоли даромадлари (Personal income);
- Аҳоли харажатлари (Personal spending).

Давлат

- Давлат бюджети дефицит/профицит (Federal budget);
- Савдо баланси дефицит/профицит (Tradebalance).

Қурилиш

- Қурилиш учун олинган рухсатлар миқдори (Building permits);
- Қурилишга кетган харажатлар (Construction spending).

Форекс бозорида АҚШ доллари базавий валюта ҳисобланганлиги сабабли, бозор иштирокчилари учун АҚШнинг макроиқтисодий индикаторлари ката аҳамиятга эга. Бу индикаторларнинг эълон қилиниши АҚШ долларининг курсига ижобий ёки салбий таъсир этиши мумкин. Масалан, USD/JPY, USD/CHF ёки USD/CAD валюта жуфтликларида АҚШ доллари базавий валюта ҳисобланади ва АҚШни макроиқтисодий индикаторларининг ўтган ой, йилга нисбатан салбий ёки ижобий эълон қилиниши базавий валюта курсининг котиров қилинаётган валюта курсига нисбатан пасайиши ёки ўсишига олиб келади.

2.1-жадвал

Фундаментал индикаторларни миллий валюта курсининг ўзгаришига таъсири¹⁹

Курсаткичнинг номи	Мухим	Курсат	Миллий ва-
--------------------	-------	--------	------------

¹⁹ Статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

	лик даража си	кичнинг узгари ши	люта курси- ни нг узгари ши
Савдо баланси камомати (Trade deficit)	1	Ўсиш	пасайиш
Тўлов баланси камомати (Payment deficit)	1	Ўсиш	пасайиш
Инфляция индекслари: истеъмол нархлари индекси (CPI) и улгуржи нархлар индекси (PPI)	1	Ўсиш	пасайиш
Расмий валюта ставкалари (репо, ломбард ва х.к.)	1	Ўсиш	ўсиш
Ялпи миллий маҳсулот (GDP)	1	Ўсиш	ўсиш
Ишсизлик (Unemployment)	1	Ўсиш	пасайиш
Пул массаси бўйича маълумотлар (M4, M3, M2, M1, M0)	2	Ўсиш	пасайиш
Чакана савдолар миқдори (Retail sales)	2	Ўсиш	ўсиш
Уй-жой қурилиши (Housing starts)	2	Ўсиш	ўсиш
Буюртмалар миқдори (Orders)	2	Ўсиш	ўсиш
Саноат ишлаб чиқариш индекси (Industrial production)	2	Ўсиш	ўсиш
Иқтисодиётдаги ишлаб чиқариш унумдорлиги (Productivity)	2	Ўсиш	ўсиш

Юқорида келтирилган фундаментал индикаторлар асосий аҳамият касб этувчи индикаторлар ҳисобланиб, уларни эълон қилиниши Форексда валюта турига қараб унинг курсига таъсир қилади. Айтиш жоизки, бу индикаторларнинг инвестор томонидан ўрганилиши ва Форексда қўлланилиши инвесторларга позицияларни очишда ва мавжуд хатарларни камайитишда аҳамиятли ҳисобланади.

Агар макроиқтисодий индикатор ижобий ўзгарса, унда инвесторлар USD/JPY, USD/CHF ёки USD/CAD валюта жуфтликларига нисбатан узун позицияга киришлари лозим, яъни базавий валюта сотиб олинади, котировка қилинаётган ланаётган валюта эса сотилади. Шундай экан, бозор иштирокчилари томонидан макроиқтисодий индикаторларни ўрганиш, кузатиш Форекс бозори трендини прогноз қилишини ҳамда узун ёки қисқа позицияга киришини аниқлаб беради.

Қуйидаги жадвалда фундаментал индикаторларни миллий валюта курсининг ўзгаришига таъсирини кўришимиз мумкин.

2.2-жадвал

ФОРЕКС бозорининг ўртача кунлик айланмаси (млрд. АҚШ доллариди)²⁰

Йиллар	2001	2004	2007	2010	2013	2016
--------	------	------	------	------	------	------

²⁰ www.Bis.org

Кунлик айланма	1260	1934	3,324	3973	5357	5067
Спот бўйича	386	631	1,005	1,489	2,047	1,652
Форвард бўйича	130	209	362	475	679	700
Своплар бўйича	656	954	1,714	1,759	2,24	2,378
Опционлар ва бошқалар бўйича	60	119	212	207	337	254

Юқоридаги 2.2-жадвалдан кўриниб турибдики, ФОРЕКС бозори кунлик айланмаси 2016 йил ҳолатига кўра 5067 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган. Бу дегани дунё ЯИМининг 6,94 фоизи жудаям катта сумма ҳисобланади. 2001 йилдан 2013 йилгача кунлик айланма мунтазам равишда ўсиб борган ва 2013йилда энг кўп савдо бўлган. Кунлик савдода своп операциялари бўйича энг кўп савдолар амалга оширилган, опционлар бўйича эса энг кам.

2.2. ФОРЕКС бозорига таъсир қилувчи индикаторлар таҳлили

Форекс бозорида асосан ивтисодий характерга эга бўлган фундаментал индикаторлар аҳамиятли индикаторлар тоифасига киради. Форексда фундаментал индикаторлар аҳамиятлиги, муҳимлиги бўйича қуйидаги гуруҳларга ажратишимиз мумкин:

- юқори аҳамиятли индикаторлар;
- ўртача аҳамиятли индикаторлар;
- паст аҳамиятли индикаторлар.

Юқори аҳамиятли индикаторларга ялпи миллий маҳсулот, ялпи ички маҳсулот, саноат ишлаб чиқариш ҳажми, ишсизлик даражаси, иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалига тармоғини ҳисобга олмаган ҳолда ишга жойлашганлар миқдори, истеъмолчилар нарх индекси, савдо баланси камомади, расмий валюта ставкаларини киритишимиз мумкин. Бу индикаторларнинг эълон қилиниши миллий валюта курсига жуда катта таъсир кўрсатади. Айтиш жоизки, юқори аҳамиятли индикаторлар гуруҳи Форекс бозори трендини шакллантиради, яъни трендни пасайишига ёки

ўсишига олиб келади. Шундай экан, бу индикаторларнинг эълон қилиниши бозор волатиллигини ошириб юборади ҳамда инвесторлар учун максимал даромад (зарар) топиш имконини беради.

Ўртача аҳамиятли индикаторларга чакана савдолар миқдори, уй-жой қурилиши, буюртмалар миқдори, саноат ишлаб чиқариш индекси, иқтисодиётдаги ишлаб чиқариш унумдорлиги ва бошқалар киради. Бу индикаторлар гуруҳи Форекс бозори трендига унча катта таъсир кўрсатмайди. Агар ўртача аҳамиятли индикаторлар юқори аҳамиятли индикаторлар билан бирга эълон қилинган пайтда улар бозор трендига умуман таъсир кўрсатмайди.

Фундаментал индикаторларни Форекс бозорида инвесторлар томонидан қўлланилиши: ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) - Gross domestic product (GDP) мамлакаи ҳудудида бир йил давомида ишлаб чиқарилган барча маҳсулот ва хизматларнинг нарх суммасини ифодалайди. У номинал ҳамда реал бўлади. Охирида ЯИМнинг қайси даражада ўсиши нарх ўсиши билан эмас, реал ишлаб чиқаришнинг ўсиши билан ҳисобга олинади.

Одатда ЯИМнинг эълон қилиниши 3 босқичда ўтказилади:

- GDP advance (ЯИМнинг дастлабки босқичи) - бунда ҳар квартал ёки ҳар ойнинг 20 кунидан сўнг чоп этилади;
- GDP provisional - GDP advancesнинг қайта кўрилган босқичи бўлиб, дастлабки босқич ўтказилганидан кейинги ойда чоп этилади;
- GDP final - давлат иқтисодий фаолияти интеграл кўрсаткичининг охирги босқичи. Аммо унинг GDP provisionalдан фарқи минимал бўлгани боис, бозорда муҳим аҳамият касб этмайди, ва ундан кейинги ойда чоп этилади. Қуйидаги расмларда ялпи ички маҳсулотни эълон қилиниши EUR/USD валюта жуфтлигига қандай таъсир этганини таҳлил қилишимиз мумкин.

Саноат ишлаб чиқариш ҳажми (Industrial production) миллий иқтисодиётнинг аҳволини кўрсатувчи асосий индикаторлардан бири ҳисобланади. Бу индекс саноат ишлаб чиқариш ҳажминини ва давлат коммунал

хизматлари ўзгариш даражасини кўрсатади. Ишлаб чиқариш ҳажми ва ЯИМ ўлчами орасида катта корреляция мавжуд. Бу индикаторнинг устунлигидан бири шундаки, бунда пулнинг аҳамияти эмас, балки ишлаб чиқариш ҳажми ўлчанади. У бозорга катта таъсир кўрсатади ва миллий валютани ўсишига олиб келади.

Меҳнат унумдорлиги (Productivity) - бир ишчига тўғри келадиган ишлаб чиқариш ҳажмини кўрсатади. Ушбу индекс бозорга етарли даражада таъсир кўрсатади ва у кўп хатоликка олиб келмаслиги учун одатий мониторингга мухтож бўлади

Масалан, ишлаб чиқаришда банд бўлганлар сонининг қисқариши бир неча сабабларга кўра юз беради (иктисодиётнинг тўхтаб қолиши ёки иш ташларлар), лекин ишлаб чиқаришнинг кўпайиши билан кузатилмоқда. Ушбу индикатор бозорга катта таъсир кўрсатади, миллий валютани қимматлашишига олиб келади.

Бандлик курсаткичлари:

- Ишсизлик даражаси (unemployment rate) ишсизларнинг ишга мойил бўлган аҳолига нисбатан фоиздаги улуши. Бозорга бўлган таъсири: ишсизларнинг ўсиши миллий валютанинг арзонлашишига олиб келади.

- Иктисодиётнинг қишлоқ хўжалига тармоғини ҳисобга олмаган ҳолда ишга жойлашганлар миқдори (non-farm payrolls).

Бозорга кучли таъсир этувчи асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб, давлатда бандлилик даражасини кўрсатади. Шундай фикрлар мавжудки, ушбу индекснинг 200 мингга ўзгариши ЯИМнинг 3%га ўсиши билан баробар. Бозорга бўлган таъсири: бозорга катта таъсир кўрсатади, у миллий валютани қимматлашишига олиб келади.

Инфляция кўрсаткичлари: истеъмолчилар нархлари индекси- Consumer price index(CPI)- аҳоли асосий массасининг стандарт “саватига” кирадиган маҳсулот ва хизматларнинг “мустаҳкам сават”нинг нарх ўзгаришини кўрсаткичи. Мамлакатдаги инфляция даражаси асосий индикатор бўлиб, ҳукумат статистика маълумотлари асосида аниқланади. Қуйидаги 5 расмда ис-

теъмолчилар нархлари индексини EUR/USD валюта жуфтлигига қандай таъсир этганини таҳлил қилишимиз мумкин.

2.2-расмдан кўриш мумкинки, АҚШдаги истеъмолчилар нарх индексининг ошиши Форекс бозорида доллар қадрининг тушишига олиб келган. Евро эса долларга нисбатан 1,2990 дан 1,355 гача яъни 65 пунктга ошган. Бозорга бўлган таъсири: бозорга катта таъсир кўрсатади, у миллий валютани кимматлашишига олиб келади.



2.2-расм. Истеъмолчилар нархлари индексини EUR/USD валюта жуфтлигига таъсири²¹

Саноатга мўлжалланган товарларнинг нарх индекси -Producer price index(PPI). Чакана савдо ёки истеъмол даражадаги нарх даражасини кўрсатади. Улгуржи доирада маҳсулот ва хизматлар нархини ўзгарганлигини билишга ёрдам беради. Ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида улгуржи нархларни акс эттиради (хом-ашё, ярим тайёр маҳсулот). Агар PPI етарли даражадалигида CPI тургун бўлса, CPI нинг етарли даражадалигида PPI ошса, бу шуни англатадики компания ўзига қўшимча чиқим (харажатлар) қабул қилади.

Ички талаб кўрсаткичлари:

²¹ www.alpari.ru

- Аҳоли даромадлари (Personal income). Ушбу индекс ишчилар ва хизматчиларнинг ойликлари, рента, дивиденд, банк фоизларидан олган даромадлари, ижтимоий суғурта тўловларини ўз ичига олади. Шу билан бирга ҳисоботга индивидуал нормаси кўрсаткичи ҳам киради. Бу ҳисоботнинг аҳамияти, 2000 йил февралида операциялар бўйича комитет ФРС очик бозорда инфляцияни шу кўрсаткич орқали таҳлил қилганидан кейин кўтарилди. Бу кўрсаткич аҳолининг сотиб олиш қобилияти шароитини кўрсатади. Бозорга бўлган таъсири: бозорга катта таъсир кўрсатади, у миллий валютани қимматлашишига олиб келади.

- Аҳоли харажатлари (Personal spending). Индекс 3 та қисмдан иборат: узок муддатли маҳсулотларни ўзлаштиришга, қисқа муддатли фойдаланиш ва хизматларга кетган харажатлар. Истеъмол хизматлари тезкор ўзгарувчан бўлганлиги сабабли, унинг ўлчамини олдиндан таҳлил қилинади.

Қисқа ва узок муддатли маҳсулотларнинг истеъмол қилиш кўрсатмаси улгуржи савдога олиб келади. Қачонки аҳоли харажатларни тўхтатишни бошласа, иқтисодиётда тушишлар юз беради. Шунинг учун, бу индикаторнинг ошиши миллий иқтисодиётга ижобий таъсир курсатади.

- Савдо баланси дефицит/профицит (Tradebalance) - маҳсулот экспорти ва импорти ўртасидаги фарқни кўрсатади. Экспортнинг ўсиши, давлат иқтисодиётини бошқа давлатларнинг ҳисоби эвазига ривожланишини билдиради. Агар четга чиқарилган маҳсулотга нисбатан четдан кириб келган маҳсулот нархи юқори бўлса, у ҳолда савдо баланси пассив (салбий сальдо) бўлади ва тескариси ижобий сальдо миллий валюта курсини ўсиши учун қулай кўрсаткич ҳисобланади. Қуйидаги 3 расмда АҚШ савдо балансининг



EUR/USD валюта жуфтлигига қандай таъсир этганини таҳлил қилишимиз мумкин.

2.3-расм. АҚШ савдо балансининг EUR/USD валюта жуфтлигига таъсири²²

Юқоридаги 2.3-расмдан кўришимиз мумкинки, АҚШ савдо балансининг ижобий сальдо билан эълон қилиниши долларнинг еврога нисбатан курсини 4 соатда 78 пунктга ўсишига олиб келди. Бундай ҳолда инвесторлар еврога нисбатан қисқа позицияни, долларга нисбатан эса узун позицияни очишади.

Куриб турганимиздек, бу индикатор юқори аҳамиятли ҳисобланиб, бозорга катта таъсир кўрсатади, у миллий валютани қимматлашишига олиб келади.

Ҳар бир инвестор учун Форекс бозорида иштирок этишдан мақсад бу - даромад олишдир. Шундай экан, инвесторлар бозор трендини таҳлил қила олиши, бозорга “кириш” ва “чикиш” нуқталарини аниқлай олиши ҳамда тренд йўналишини прогноз қилиш каби махсус молиявий билимга эга бўлишлари керак. Форекс бозори трендини прогноз қилиш учун инвесторлар техник ва фундаментал таҳлил усулларида фойдаланиши мумкин. Техник таҳлил усули бозорни графиклар ҳамда техник индикаторлар асосида таҳлил этадиган бўлса, фундаментал таҳлил эса миллий валюталар курсига таъсир этувчи фундаментал индикаторларни эълон қилиниши орқали амалга оширилади.



2.4-расм. Қишлоқ хўжаликлари тармоқларидан ташқари тармоқларда банд бўлганлар сони индикаторининг АҚШ долларига таъсири²³

2.4-расмда 2016 йил 3 апрелда АҚШ қишлоқ хўжаликлари секторидан ташқари тармоқларда банд бўлганлар сони ўзгариши эълон қилинган. Бу индикатор 3 та кўрсаткичда тавсифланади. Ҳақиқатдаги, прогноз ҳамда олдинги ойдаги эълон қилинган ҳақиқатдагиси. АҚШ қишлоқ хўжаликлари секторидан ташқари тармоқларда банд бўлганлар сони ўзгариши ҳақиқатда: 158К, прогноз: 200К, олдингиси: 237К. Шундай қилиб, бу индикатор ўтган ойларга нисбатан ижобий ўзгарган, яъни банд бўлганлар сони кўпайган.

Фундаментал индикаторлар Форекс бозорида дилер - брокерлик вазифаларини бажарувчи иштирокчиларнинг веб сайтларида иқтисодий календарь кўринишида эълон қилишади. Аксарият юқори аҳамиятли фундаментал индикаторлар ҳар ойнинг бошида ва охирида эълон қилинади. Масалан, АҚШ бозорига таълуқли фундаментал индикаторлар Тошкент вақти бўйича 17:00 дан эълон қилина бошланади.



²³ www.alpari.ru

2.5-Расм. Ишсизлик коэффицентини АҚШ долларига таъсири²⁴

2.5-расмдан шуни кўришимиз мумкинки, USD/JPY валюта жуфтлиги бўйича бозор тенденциясини таҳлил қиладиган бўлсак, қишлоқ хўжалигидан ташқари секторда бандлилик сони индикаторининг ўзгариши АҚШ долларининг Япония иенасига нисбатан 4 соат ичида 285 пунктга курсини ошишига олиб келди. Инвестор бу индикаторини эълон қилинишидан 30 минут олдин buy stop ва sell stop позицияларини очиши зарур. Шундай экан, бу индикатор энг муҳим индикаторлардан бири бўлиб, инвесторга бозорда позицияни очишга ҳамда бозор волатиллигининг ўзгаришига олиб келади.

USD/CAD валюта жуфтлиги бўйича бозор тенденциясини таҳлил қиладиган бўлсак, ишсизлик коэффицентини индикаторларининг ижобий ўзгариши АҚШ долларининг Канада долларига нисбатан 100 пунктга ошишига олиб келди. Бу ҳолатда инвестор бозорда 2 позиция очиши лозим, яъни “buy stop ва sell stop”. Кўриб турганимиздек, АҚШ доллари курсининг ўсиши билан buy stop буйруғимиз бажарилади, шу билан фойдамизни ҳам ошади. Шундай экан, бу индикатор энг муҳим индикаторлар ҳисобланиб, инвесторга бозорда позицияларни очишга ёрдам беради.

Европа Марказий банки фоиз ставкаси аризаси қисқа муддатли фоиз ставкаларидан иборат. Бунинг ечими шундаки, асосан инфляция даражасидан келиб чиққан ҳолда фоиз ставкаларини қай тарзда жойлаштиришдадир. Марказий банк асосий мақсади нархлар турғунлигига эришиш ҳисобланади. Чет эл фуқароларини юқори фоиз ставкалари ўзига жалб қиладди, қайсики ўз пулларига энг мақбул “рисксиз” фойда вариантни қидиришади, бу ўз навбатида давлат валютасига бўлган талабни бирданига кўтариши мумкин. Кўрсаткичлар кутгандан ортиқроқ бўлса, евро учун “буқа”лар йўналиши ҳисобланади, кутгандан паст кўрсаткичлар эса евро учун “айиқ” лар бозорни кўрсатади. Илова 3 нинг жадвалида 7 апрель куни Европа Марказий банки фоиз ставкаси эълон қилинди.

²⁴ www.alpari.ru

2.6-расмда фоиз ставкасининг эълон килиниши EUR/AUD валюта жуфтлигига қандай таъсир кўрсатганини таҳлил қилишимиз мумкин. EUR/AUD валюта жуфтлиги бўйича бозор тенденциясини таҳлил қиладиган бўлсак, фоиз ставки индикаторининг ўзгармаганлиги евронинг Австралия долларига нисбатан 151 пунктга курсини тушишига олиб келди. Сабаби, Европа Марказий банки фоиз ставкасини пасайтирганида банклар томонидан бериладиган кредитлар фоизи ҳам пасайган бўлар эди. Бу ҳолат эса, “арзон” кредит турларини бозорга таклиф этилишини англатади.



2.6-расм. Европа Марказий банки фоиз ставкасининг еврога таъсири²⁵

Индикаторнинг ўзгармаганлиги Форекс бозори иштирокчилари кайфиятига салбий таъсир кўрсатиб, евронинг бошқа валюталарга нисбатан пасайишига олиб келди. Шунинг учун, инвестор бу индикатор эълон килинмасидан олдин buy stop ва sell stop позицияларини очиши лозим. Евро курсининг пасайиб кетиши натижасида sell stop буйруғимиздан максимал фойда кўрамиз. Айтиш мумкинки, фоиз ставки ҳам муҳим индикатор бўлиб, бозор волатиллигини кескин ўзгаришига олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, фундаментал индикаторлар муҳим таҳлил усули ҳисобланиб, Форекс бозори иштирокчиларига олдиндан позиция

²⁵ www.alpari.ru

очишларида, савдо стратегияларини қўллашларида ҳар хил сигналларни беради. Фундаментал индикаторлар таҳлил этиш орқали Форекс савдоларида катнашиш инвесторлар учун трендларни таҳлил этишда, позициялар очишда, шунингдек, даромад топишда муҳим аҳамият касб этади.

2.3. Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларининг ҳуқуқий асослари ва уларни тартибга солиш ҳолати

Мустақиллик йиллари даврида республикаимиз иқтисодиётида катта тузилмавий ўзгаришлар рўй бериб, мамлакатимиз иқтисодий жиҳатдан ривожланган, саноати ва қишлоқ хўжалиги экспортга йўналтирилган давлатга айланди. Мамлакатимиз иқтисодиётида рўй бераётган жиддий таркибий ўзгаришлар ташқи иқтисодий кўрсаткичларда ўзининг аниқ ифодасини топмоқда.

Ташқи савдо таркибида чуқур ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Кейинги йиллар мобайнида экспорт таркибида рақобатдош тайёр маҳсулот салмоғининг барқарор ўсиш тенденцияси ва хом ашё етказиб берувчи тармоқлар маҳсулотлари улушининг камайиб бораётгани яққол кўзга ташланмоқда.

Валюта операцияларини амалга ошириш учун объектив асос бўлиб, ташқи савдо капиталлар ва кредитларнинг ҳаракати хизмат қилади. Халқаро меҳнат тақсимотининг юзага келиши ва ривожланиши экспорт-импорт операцияларининг юзага келишига ва такомиллашишига асосий сабаб бўлади.

Валюта операцияларининг кенг кўламда ривожланиши марказий банкларга ушбу бозорда эркин ҳаракат қилишга ва айни вақтда уларни тартибга солишга имкон яратади.

Валютани тартибга солиш ва валюта назоратини назарда тутувчи меъёрий ҳужжатларни мамлакатимизда олиб борилган валюта сиёсати

талаблари асосида қайта кўриб чиқилди. Валюта сиёсатининг асосий талаблари қуйидагилардан иборат эди:

- Миллий валюта барқарорлигини таъминлашда ишлатиладиган валюта захираларини шакллантириш;
- Миллий валюта бозорини ривожлантириш ва валюта конвертациясига эришиш учун замин тайёрлаш;
- Экспорт ҳажмини ошириш учун зарурий шарт-шароитларни шакллантириш;
- Самарали валюта назорати тизимини шакллантириш.

Бунда хорижий давлатларнинг тажрибаси, уларни бизда қўллаш мумкинлиги нуқтаи - назаридан чуқур таҳлил қилинар ва мумкин бўлган ҳолларда қўлланиларди.

Ўзбекистон Республикасида валютани тартибга солиш тизими ташкил топиши 1991 йилдан, яъни «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг қабул қилиниши билан бошланди.

1993 йилнинг май ойида «Валютани тартибга солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилинганлигидан сўнг, Марказий банк томонидан Молия Вазирлиги ва валюта назоратининг бошқа органлари билан ҳамкорликда валютани тартибга солиш масалалари юзасидан меъёрий ҳужжатлар базаси деярли тўлиқ қайтадан яратилди.

Хусусан, ўша вақтларда Марказий банк ва ТИФ Миллий банкигина валюта айрибошлаш шахобчаларига эга бўлишлари мумкин бўлганлиги сабабли, дастлабки валюта айрибошлаш тўғрисидаги йўриқнома ҳам «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюта айрибошлаш шахобчаси тўғрисида» деб номланарди. Республикамиз тижорат банкларига валютада операцияларни амалга ошириш учун лицензия бериш тартиби тўғрисидаги 1993 йил 26 майдаги 31-сонли Марказий банки хати билан амалга тадбиқ қилинди. Шу каби қабул қилиниб, амалиётга тадбиқ қилинган ўша вақтдаги валютавий йўриқномаларнинг барчаси содда ва тўлиқ ишланмаган бўлиб, миллий валю-

та конвертацияси таъминланмаганлик нуқтаи – назаридан, ўтиш жараёнига мос келадиган шаклда ишлаб чиқилган эди.

Валюта бозорини ривожлантириш учун зарурий шарт-шароитлар яратиш мақсадида, Марказий банк Молия вазирлиги билан ҳамкорликда 1994 йилнинг март ойида "Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига корхона, ташкилот ва муассасаларнинг хорижий валютадаги тушумларининг муайян қисмини мажбурий сотиш тартиби" тасдиқланган. Унга мувофиқ, хорижий валютадаги тушумнинг 15%ни солиққа тортиш билан бирга, 15%ни Марказий банкга сўм эвазига айрибошлаш шarti билан мажбурий сотиш белгиланган.

Бу тартиб аввалроқ амалда бўлган тизимга нисбатан бир қатор имтиёзларга эга эди, яъни олдинги тартибга нисбатан корхоналар томонидан ўз махсулотларини экспорт қилишларига қизиқишларини кучайтирди ва Марказий банкнинг валюта фондининг шаклланишига шароит яратди. Бекор бўлган тартиб бўйича валюта тушумининг 35% республика валюта фондида ва ҳокимиятларнинг маҳаллий валюта фондларига қоплашсиз солиқ сифатида ундириларди.

Бу йўлдаги кейинги қадам бўлиб, хорижий валюта тушумига солиқ солишни бекор қилиш ва Марказий банкга валюта тушумининг 30%ни мажбурий сотишнинг киритилиши ҳисобланди. 1995 йил 21 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, республиканинг расмий олтин - валюта захираларини сақлаш ва бошқариш Марказий банкнинг функцияларидан бири қилиб белгиланди.

1997 йилнинг январидан бошлаб, марказлашмаган экспортдан тушган валюта тушумининг муайян қисмини бевосита корхона ва ташкилотларга хизмат кўрсатаётган ваколатли банкларга мажбурий сотиш амалга оширилмоқда (ҳозирги вақтда марказлашмаган экспортдан мажбурий сотиш 50% миқдорида белгиланган).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 20 апрелдаги «Экспорт - импорт операциялари бўйича валюта назоратини таъминлаш юза-

сидан чора - тадбирлар тўғрисида»ги ва 1995 йил 11 апрелдаги «Экспорт - импорт операцияларини тартиблаш бўйича қўшимча чора - тадбирлар тўғрисида»ги Фармонларини бажариш юзасидан Марказий банк Давлат Солиқ Қўмитаси билан ҳамкорликда республика хўжалик юритувчи субъектларнинг хорижий шерикларидан валюта тушумини тўлиқ тушушини таъминлашга йўналтирилган экспорт шартномаларини ҳисобга олиш тизими ишлаб чиқилди ва доимий равишда такомиллаштирилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, чоп этилган Президент Фармонларида хўжалик юритувчи субъектлар ва ваколатли банклар томонидан экспорт - импорт операцияларида валюта тушуми ва товарларни республика ҳудудига келишини кафолатлайдиган халқаро ҳисоб - китоб шаклларида фойдаланиш кўзда тутилган. Экспорт - импорт операциялари бўйича назорат тўғрисидаги низом тасдиқланди, солиқ органлари, божхона хизмати ва ваколатли банк муассасалари ўзаро ҳамкорликда валюта назоратини амалга ошириш масалалари юзасидан тартиб ишлаб чиқишди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 7 октябрдаги 499 - сонли «Ўзбекистон Республикасида валюта бозорини ривожлантиришга қўшимча чора - тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 1994 йил 15 октябрдан бошлаб республика ҳудудида, шу жумладан хорижий фуқароларга эркин айрибошланадиган валютада савдо қилиш ва хизмат кўрсатиш қатъиян ман этилиши бевосита миллий валютамининг оёққа туришига замин яратди. Ўзбекистон Республикасида юридик шахс - резидент ва норезидент ўртасида барча тўловлар ва ҳисоб-китоблар фақат миллий валюта - сўмда амалга оширила бошланди.

1996 йилда эркин айрибошланадиган валютадаги инвестицион лойиҳаларни кредитлаш масалаларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни чоп этилиши, ва сўнгра ваколатли банклар томонидан кичик бизнес субъектларини хорижий валютада микрокредитлаш тартибини қабул қилишдан кейин корхоналар ва хусусий тадбиркорлар экспортга

йўналтирилган ишлаб чиқишни ривожлантириш мақсадида кўшимча валюта ресурсларидан фойдаланиш имкониятига эга бўдилар.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 13 мартдаги 95-сонли «Ташқи савдо операцияларини амалга оширишда хорижий валютадаги маблағлардан фойдаланиш устидан назоратни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида» ги ва 1996 йил 19 ноябрдаги 405-сонли «Халқ истеъмоли молларини импорт қилишда марказлашган валюта ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ, жаҳон бозори талабига жавоб бермайдиган сифатсиз ва норақобатбордош махсулотлардан ички бозорни ҳимоя қилиш, махсулотлар импортини сифатини ошириш юзасидан чора -тадбирлар амалга оширилди. Валютани тартибга солиш шартлари, шу жумладан конвертация тартиб -қоидаси айна шундай молларнинг кўплаб келтирилишига тўсқинлик қилди.

1997 йилдан бошлаб, республикада биржадан ташқари валюта бозорини ривожланиши ва барқарор фаолият юритиши юзасидан кетма - кетликда зарурий чора - тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунда сўм маблағларни эркин айрибошланадиган валютага конвертациялаш бевосита ваколатли банклар томонидан амалга оширилмоқда. Биржадан ташқари валюта бозорида операциялар амалга оширишнинг манбалари бўлиб марказлаштирилмаган экспортдан тушган валюта тушумининг муайян қисмидан мажбурий сотув, ваколатли банкларнинг ўз маблағлари, шунингдек, мижозларнинг депозитлари ва бошқа валюта маблағлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюта сиёсати доирасида амалга оширадиган асосий вазифалардан бири мамлакатда тижорат характеридаги валюта операцияларини ривожлантириш учун қулай муҳит яратиш ҳисобланади. Бунинг учун эса валюта бозорини ривожлантириш зарур. Чунки, ҳар қандай турдаги валюта операцияси-своп, форвард, валютавий опционлар ва фьючерслар билан боғлиқ операциялар пировард натижада спот бозорининг ликвидлилигига боғлиқ.

Қуйидаги жадвал жадвал маълумотлари асосида шуни кўриш мумкин-ки, Сўмнинг 1 АҚШ долларига нисбатан номинал алмашув курси йиллар мобайнида ўсиб келган. Албатта бу ҳолат, Марказий банкнинг чет эл валюта курсига нисбатан мақсадли коридори асосида бошқарилиб келинган.

Бошқа кўрсаткичлар эса, яъни инфляциянинг йиллик ўсиш кўрсаткичи, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ҳамда мажбурий захиралар ставкаси йиллар мобайнида пасайиб келган. Бу эса, ўз навбатида миллий валюта курсимизнинг алмашув курсига ижобий таъсир кўрсатади.

2.3-жадвал маълумотларидан кўринадик, 2012-2016 йиллар мобайнида инфляция пасайиб бормокда. 2016 йилда валюта сиёсати миллий валюта алмашув курси кескин тебранишлари олдини олишга, инфляцион жараёнларни жиловлашга ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

2.3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси миллий валюта курси динамикаси ва унга таъсир этувчи монетар омиллар²⁶

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2012	2013	2014	2015	2016
Сўмнинг 1 АҚШ долларига нисбатан номинал алмашув курси	1 984,0	2202,20	2422,4	2810,0	3410,0
Инфляциянинг йиллик даражаси	7,0	6,8	6,1	5,6	5,8
Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси, %	12	12	10	9	9
Марказий банкнинг мажбурий захира ставкаси, %	12,5	12,5	12,5	12,5	12,5

Бунда валюта бозорини самарали тартибга солиш мақсадида валюта курсининг ўзгариб боровчи бошқариладиган стратегиясини қўллаш орқали

²⁶ www.cbu.uz

сўмнинг АҚШ доллариға нисбатан курсини босқичма-босқич пасайтириш чоралари кўрилди.

Натижада 2016 йил давомида сўмнинг АҚШ доллариға нисбатан айирбошлаш курси 21 фоизга пасайиб, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатиға кўра, бир АҚШ доллари 3410 сўмни ташкил қилди.

Мамлакатимиз ташқи савдо операцияларининг асосий қисми АҚШ долларида амалға оширилишини инобатға олиб, сўмнинг бошқа хорижий валюталарға нисбатан алмашув курсларини белгилашда операцион мўлжал сифатида сўмнинг АҚШ доллариға нисбатан алмашув курсидан фойдаланилди.

Шунга мувофиқ, сўмнинг АҚШ долларида бошқа хорижий валюталарға нисбатан алмашув курслари ушбу валюталарнинг ташқи валюта бозорларидаги АҚШ доллариға нисбатан курслари динамикаси ва ички валюта бозорида сўмнинг АҚШ доллариға нисбатан алмашув курси таъсири остида шаклланди.

Мазкур даврда сўмнинг Буюк Британия фунт стерлингиға нисбатан алмашув курси 11 фоизга, евроға нисбатан 2,8 фоизга, Хитой юаниға нисбатан 15,8 фоизга, Япония иенасиға нисбатан 17 фоизга ва Жанубий Корея вонига нисбатан 8,7 фоизга пасайди.

Марказий банкнинг валюта сиёсати мамлакатнинг стратегик мақсадларидан келиб чиққан ҳолда амалға оширилиб борилади. Бунинг боиси шундаки, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда валюта сиёсатининг амалға оширилиши ва юритилиши бир-биридан тубдан фарқ қилади. Шу жиҳатдан валюта сиёсатининг мақсади нимадан иборат эканлиги хусусида фақатгина умумий қарашлар орқали ёндашиш мумкин. Инфляциянинг намоён бўлиш шаклларида бири бу миллий валютанинг хорижий валютаға нисбатан қадрининг пасайиши сифатида қарайдиган бўлсак, демак Марказий банк валюта сиёсатининг мақсади бу миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборат бўлиб ҳисобланади. Ҳолбуки, экспорт фаолиятиға ихтисослашган ва ундан манфаатдор бўлган

мамлакатларда ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида миллий валютанинг эркин конвертирланадиган валюталарга нисбатан қадрини Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати инструментлари орқали туширишга ҳаракат қилади. Бунга мисол қилиб жаҳон амалиётида айнан шу жараёнга ҳаракат қилаётган мамлакат сифатида Япония ҳукуматини келтириш мумкин.

Ўзбекистонда Марказий банк томонидан бугунги кунда бошқариб туриладиган курс режими амал қилади. Бу эса, инфляцион жараёнларни жиловлашга, миллий валюта алмашув курси кескин тебранишларининг олдини олишга ҳамда экспортни қўллаб-қувватлашга қаратилмоқда.

Миллий валюта номинал алмашув курсининг пасайиши экспортни рағбатлантиради. Бу эса, мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини юксалтиришга ҳизмат қилади. Чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз товар ва хизматларини ички бозорда сотган кўра ташқи бозорда сотгани улар учун манфаатли бўлиб ҳисобланади.

Миллий валютанинг девальвацияланиш суръатининг юқори бўлиши инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Шу билан бир қаторда, миллий валютанинг девальвацияланиш суръатининг юқори бўлиши халқаро кредитларга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Чунки олинган кредитлар баҳоси қимматлашади.

2.4-жадвал

Миллий валютанинг етакчи валюталарга нисбатан курсининг ўзгариши²⁷

Валюталар	Йиллар				
	2012	2013	2014	2015	2016
АҚШ доллари	-10,5	-11,0	- 10,0	- 16,0	-21,0
Евро	- 11,9	-15,7	-14,5	- 2,8	-5,8

²⁷ www.cbu.uz

Фунт стерлинг	- 14,4	-13,1	- 4,0	- 11,0	-6,2
---------------	--------	-------	-------	--------	------

2.4-жадвал маълумотлари орқали шуни кўриш мумкинки, сўмнинг етакчи валюталарга нисбатан алмашинув курси йиллар мобайнида пасайиб келмоқда. Бу ҳолат айниқса АҚШ долларида содир бўлаётганлигини инобатга олсак, экспортни қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутди. Чунки мамлакатимиз ташқи савдо операцияларининг асосий қисми АҚШ долларида амалга оширилади.

Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу ҳолат йиллар мобайнида ўсиб келмоқда. Бу эса, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек капитал ҳаракати билан боғлиқ операцияларга кескин равишда таъсир кўрсатиб ҳамда ўз навбатида биржадан ташқари курсларга таъсир этган ҳолда АҚШ долларига нисбатан талабнинг кескин ошишига сабаб бўлмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар натижасида мамлакатда ишлаб чиқариш суръатлари йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Шунингдек, ишлаб чиқарилаётган товарлар таркибида экспортбоп товарлар ишлаб чиқариш ва уларни хорижга экспорт қилиш кўлами ҳам ортмоқда.

Бунга асосий сабалардан бири Марказий банк томонидан олиб борилаётган валюта сиёсати натижасида экспорт ҳажми ошганлигини кузатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган макроиктисодий сиёсат ва Марказий банкнинг монетар сиёсати авваламбор, нархларни барқарорлигини сақлаб туриш ва миллий валютадаги аҳоли даромадини ошириш орқали миллий валютадан манфаатдорликни оширишга қаратилгандир.

Марказий банк Бошқарувининг 2008 йил 28 июндаги 15/1-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан валютавий своп операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом”да валюта позицияси ва очик валюта позициясига қуйидагича таърифлар берилган.

Валюта позицияси - ваколатли банк томонидан чет эл валютасини олди-сотди операциясини, шунингдек, бошқа операцияларни амалга ошириш натижасида чет эл валютасида ифодаланган талаблар ёки мажбуриятларнинг ўзгаришига олиб келадиган ваколатли банкнинг чет эл валютасидаги активлари (талаблари) ёки мажбуриятлари ўртасидаги нисбатини ифодаладиган кўрсаткич.

Очиқ валюта позицияси - бу ваколатли банкнинг чет эл валютасидаги талаблари унинг чет эл валютасидаги мажбуриятлари суммасига мос (тенг) бўлмаган ҳолатдаги валюта позициясидир.

Очиқ валюта позицияси лимити - ҳар бир чет эл валютаси бўйича очиқ валюта позицияларига нисбатан алоҳида ва банкнинг очиқ валюта позицияси ва регулятив капитали қиймат катталигига Марказий банк томонидан ўрнатиладиган чекловлардир.

Ваколатли банклар валютавий своп операциясини амалга оширишда Марказий банк томонидан ўрнатилган очиқ валюта позицияси лимитлари:

- чет эл валютасининг ҳар бир тури бўйича очиқ валюта позицияси;
- очиқ валюта позициялари қиймат катталигига риоя қилишлари лозим.

Ҳоҳлаган бир валюта бўйича очиқ валюта позицияси дэганда банкнинг шу хорижий валюта бўйича активларининг мажбуриятларидан ошган суммаси тушунилади ва у узун валюта позицияси деб юритилади. Банк валютани сотиб олганда у узун валюта позициясига эга бўлади ва уни шу валюта бўйича бошқалар олдида талаби ошади, сабаби сотган томон валютани етказиб бериш мажбуриятини олган.

Аксинча, шу валюта бўйича мажбуриятларнинг активлардан ошса, яъни хорижий валютани сотиш уни сотиб олишдан юқори бўлса валюта позицияси қисқа бўлади. Хорижий валюта сотганда қисқа валюта позицияси юзага келади, сабаби валютани сотиб олган томонган етказиб бериш мажбурияти шаклланади.

Агар валюта бўйича талаблар ва мажбуриятлар тенг бўлса валюта позицияси ёпиқ бўлади.

Валюта позициясининг умумий ҳолати(суммаси) дэганда барча валюталар бўйича учун(қисқа) позициялар умумий суммаси тушунилади.

Агар банк операцион кун давомида валюта операцияларини олиб боришда очик валюта позицияси бўйича қўйилган лимитдан ортиқ операция амалга оширган, яъни валютани кўп сотиб олган бўлса бўлса, у ҳолда валюта позицияси ортиқ сотиб олинган валютани сотиб юбориш йўли билан баланслаштириб ёпилади.

Ўзбекистонда ваколатли банклар ҳар ойда ойнинг 3чи кунигача Марказий банкка ўзларининг очик операциялари ва унга риоя қилинганлиги тўғрисида ҳисобот беришлари лозим.

Тижорат банклари лицензия олганларидан кейин валюта операцияларини амалга ошираётиб, улар баланс кўрсаткичлари асосида, ҳар бир валютада алоҳида амалга оширган операциялари бўйича ушбу валютада талаб ёки мажбуриятга эга бўладилар. Тижорат банкида бу каби очик валюта ҳолатлари бўйича Марказий банкнинг «Очик валюта позициясини юритилиш» Қоидалари батафсил ёритиб беради. Шу жумладан, мазкур ҳолатда учрайдиган атамалар (узун, қисқа, умумлашган позициялар, талаб ва мажбурият, валюта позицияси лимити, регулятив капитал ва бошқалар), очик валюта позициясини ҳисоблаш усули, жорий пайтда амал қилаётган валюта позицияси лимити миқдори, ваколатли банкларнинг бу борада олиб борадиган ҳисоботи тартиби кўрсатилган.

Тижорат банки валюта операцияларида юзага келадиган нохуш ҳолатлар рискдан сақланишда қўлланадиган асосий меъёрий ҳужжат «Очик валюта позициясини юритилиш» Қоидалари 2005 йил 28 майда янгитдан таҳрир қилинди. Унга кўра, алоҳида валюта бўйича бажарилган операцияларга аввал амал қилган меъёр, яъни 5% ли чеклов 10%гача оширилди, барча валюталар бўйича операцияларга нисбатан 20% чеклов амал қилиши давом эттирилди.

Банкларда валюта позициясини аниқлашга доир қуйидаги мисолни келтириб ўтмоқчимиз.

Мазкур мисолда “А” банкнинг АҚШ доллари бўйича умумий риск миқдори 2.360.843 долларни ташкил этмоқда.

Валюта позициясига лимит ҳар бир давлатда унинг иқтисодиётининг ҳолати ва мамлакатнинг молиявий тизимининг ўзига ҳослигидан келиб чиқиб ўрнатилиши маълум. Қуйида келтирилган маълумотлар бунга ёрқин далил бўлади.

2.5-жадвал

«А» банкнинг жорий валюта позицияси²⁸

Валюта	Узун позиция	Қисқа позиция	АҚШ доллари курси
Фунт стерлинг	3.127.000 дол.	2.000.000	1,5635
Евро	4.632.500 дол.	5.000.000	0,9265
Швейц.франк	4.000.000	2.816.901 дол.	1,4200
Япония иена	300.000.000	2.581.756 дол.	116,2

Қуйидаги келтирилган давлатларда очик валюта позициясига қуйидагича миқдорда белгиланган:²¹

- Австрия (1997 йил 31 декабр ҳолатига): бир валюта тури бўйича кун давомида 30% ва умумий валюта позицияси бўйича 50% қилиб белгиланган;
- Хитой (1998 йил 31 январ ҳолатига): кун давомида молия институтлари хорижий валютани олди-сотди қилишларида капиталга нисбатан 20% ҳажмдан оширмасликлари лозим. Шу билан бирга, куннинг охирида, яъни валюта позицияларини ёпишда капиталга нисбатан 1% миқдорда очик лимит ушлашга рухсат этилган;
- Буюк Британия (1997 йил 31 декабр ҳолатига): бу ерда очик валюта позициясига қатъий лимит ўрнатилмаган. Лекин, фақат фоизсиз депозитларнинг 0,35%и Англия банкида сақланиши кўзда тутилган;
- Австралия (1998 йил 31 март ҳолатига): 1998 йил 27 мартдан очик валюта позицияларига лимитни ўрнатиш ташқи валюта бозорида иштирок этувчи дилерларга ваколат берилган;

²⁸ Иқтисодий адабиётларга асосан муаллиф таҳлили.

- Швеция: (1997 йил 31 декабр ҳолатига): бир валюта тури бўйича кун давомида 15% ва умумий валюта позицияси бўйича 30% қилиб белгиланган;
- Вьетнам: (1997 йил 31 декабр ҳолатига): капиталга нисбатан умумий валюта позицияси бўйича 15% лимит белгиланган;
- Литва: (1997 йил 31 декабр ҳолатига): бир валюта тури бўйича очик валюта позицияси банкнинг капиталига нисбатан 20% ва умумий валюта позицияси бўйича 30% дан ошмаслиги белгиланган;
- Европанинг баъзи давлатларида (1997 йил 31 декабр ҳолатига): Очик валюта позициялари Европа Ҳамжамиятининг директивалари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасида молия-банк тизимини валюта соҳасидаги инқирозлардан сақлаш, шунингдек, валюта рискларини минималлаштириш учун очик валюта позицияси меъёрларини Марказий банк Бошқарувида қабул қилинган «Очик валюта позициясини юритилиши қоидалари» белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа банки мисолида 2015 ва 2016 йиллардаги валюта бўйича амалиётларни кўриб чиқамиз. 2016 йил якунлари бўйича валюта маблағлари тушуми 125,00 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, 50 фоизли мажбурий сотув 52,05 млн. АҚШ долларини ташкил қилади. Жумладан, 2016 йил IV чорақда валюта маблағлари тушуми 35,79 млн. долларини, 50 фоизли мажбурий сотув эса 14,65 млн. АҚШ доллариди амалга оширилган. 2016 йил бошидан 17,20 млн. АҚШ доллари миқдорида хорижий валюта жалб қилинди. Жумладан, валюта айирбошлаш шохобчалари орқали 161,8 минг АҚШ доллари миқдорида валюта сотиб олинди.

Ҳисобот даврида фаолият кўрсатаётган 20 та халқаро пул ўтказиш шохобчалари орқали аҳолининг 85,20 млн. АҚШ доллари миқдорида валюта маблағлари ўз эгаларига етказиб берилди, жумладан 70,25 млн. АҚШ доллари эквивалентида маблағ келиб тушган, 14,95 млн. АҚШ доллари эквивалентида маблағ жўнатилган. Шунингдек, IV чорақда халқаро пул ўтказиш шохобчалари орқали аҳолининг 20,94 млн. АҚШ доллари миқдорида валюта

маблағлари ўз эгаларига етказиб берилди. Шундан, 17,35 млн. АҚШ доллари эквивалентида маблағ келиб тушган, 3,58 млн. АҚШ доллари эквивалентида маблағ жўнатилган.

2016 йил бошидан 14,9 млн. АҚШ доллари эквивалентида маблағ конверсион ва валюта айирбошлаш операциялари махсус бўлимлари орқали сотилди. 2017 йил 1 январь ҳолатига умумий суммаси 1 266,10 млн. АҚШ доллари миқдоридаги 465 та экспорт ҳамда 1 494,00 млн. АҚШ доллари миқдоридаги 1 836 та импорт шартномаларига хизмат кўрсатилган бўлиб, улар устидан доимий назорат ўрнатилган. Валюта маблағлари тушуми 127,76 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, 50,0 фоизли мажбурий сотув 55,72 млн. АҚШ доллари миқдорида амалга оширилди.

2015 йил давомида 18,44 млн. АҚШ доллари миқдорида хорижий валюта жалб қилинди. Жумладан, валюта айирбошлаш шохобчалари орқали 0,43 млн. АҚШ доллари миқдорида валюта сотиб олинди. Ҳисобот даврида фаолият кўрсатаётган 27 та халқаро пул ўтказиш шохобчалари орқали аҳолининг 80,25 млн. АҚШ доллари миқдорида валюта маблағлари ўз эгаларига етказиб берилди (жумладан, 64,76 млн. АҚШ доллари эквивалентида маблағ келиб тушди, 15,49 млн. АҚШ доллари эквивалентида маблағ жўнатилди). Йил бошидан 7,8 млн. АҚШ доллари эквивалентида маблағ конверсион ва валюта айирбошлаш операциялари махсус бўлимлари орқали сотилди. 2016 йил 1 январь ҳолатига умумий суммаси 1 128,55 млн. АҚШ доллари миқдоридаги 364 та экспорт ҳамда 1 223,6 млн. АҚШ доллари миқдоридаги 1 656 та импорт шартномаларига хизмат кўрсатилган бўлиб, улар устидан доимий назорат олиб борилмоқда.

2.6-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Алоқа банкининг ҳосилавий
инструментлар билан чет эл валюталарида амалга оширилган
операциялари²⁹ (сўмдаги эквивалентда минг сўмда)

№	Кўрсаткичлар	2012	2013	2014	2015	2016
---	--------------	------	------	------	------	------

²⁹ www.aloqabank.uz

1	Своп шартларида сотиш	259	18 916	5 708 839	25 911 130	1 406 401
2	Своп шартларида сотиб олиш	1 158	1 841	4 341 425	5 208 860	7 202 704
Жами:		1 418	20 757	10 050 264	31 119 990	8 609 105

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2016-йилда своп шартларида 1 406 401 минг сум эквивалентида чет эл валютаси сотган ва 7 202 704 минг сўмлик валюта сотиб олган. Бунда валюта сотиш 2015-йилдагига нисбатан кескин камайган -24 504 729 минг сўмга, лекин валюта сотиб олиш 2015 йилдагига қараганда 1993844 минг сўмга ошганини кўришимиз мумкин.

II боб бўйича хулоса

Индикаторларнинг инвестор томонидан ўрганилиши ва Форексда қўлланилиши инвесторларга позицияларни очишда ва мавжуд хатарларни камайтиришда аҳамиятли ҳисобланади.

ФОРЕКС бозори кунлик айланмаси 2016 йил ҳолатига кўра 5067 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган. Бу дэгани дунё ЯИМнинг 6,94 фоизи жудаям катта сумма. 2001йилдан 2013 йилгача кунлик айланма мунтазам равишда ўсиб борган ва 2013 йилда энг кўп савдо бўлган. Кунлик савдода своп операциялари бўйича энг кўп савдолар амалга оширилган, опционлар бўйича эса энг кам.

Юқори аҳамиятли индикаторларга ялпи миллий маҳсулот, ялпи ички маҳсулот, саноат ишлаб чиқариш ҳажми, ишсизлик даражаси, иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалига тармоғини ҳисобга олмаган ҳолда ишга жойлашганлар миқдори, истеъмолчилар нарх индекси, савдо баланси камомади, расмий валюта ставкаларини киритишимиз мумкин. Бу индикаторларнинг эълон қилиниши миллий валюта курсига жуда катта таъсир кўрсатади. Айтиш жоизки, юқори аҳамиятли индикаторлар гуруҳи Форекс бозори трендини шакллантиради, яъни трендни пасайишига ёки ўсишига олиб келади. Индикаторларнинг инвестор томонидан ўрганилиши ва

Форексда қўлланилиши инвесторларга позицияларни очишда ва мавжуд хатарларни камайтиришда аҳамиятли ҳисобланади.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БИЛАН БОҒЛИК МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар

Валюта сиёсати орқали муомаладаги пул массасини тартибга солишни амалга оширувчи расмий орган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисобланади. Ҳозирги иқтисодий эркинлаштириш шароитида Марказий банкнинг ҳукуматни расмий пул-кредит институти сифатидаги мавқеи бекиёсдир. Бу эса аввало, валюта муносабатларини тартибга солишнинг самарали тизимни вужудга келтириш зарурияти билан изоҳланади. Марказий банкнинг ушбу мавқеига эришганлиги, кўп жиҳатдан валюта сиёсатининг самарали олиб борилаётганлиги билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси томонидан 2003 йил 15 октябрда Халқаро Валюта Фонди Битимлар келишувининг 8-моддасини қабул қилиши ва 2003 йил 11 декабрда Ўзбекистон Республикаси «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниб, мазкур қонуннинг 7-моддаси охири бандида жорий операцияларда валюта чекловларини бекор қилинганлиги кўрсатиб ўтилиши натижасида ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланадиган корхона ва ташкилотлар кўпайиб, экспорт-импорт операцияларни ҳамда капиталлар ҳаракати (инвестицион фаолият) билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи корхоналар сони ортиб бормокда.

Ҳозирги вақтда импорт ўрнини босувчи ёки экспортга йуналтирилган ишлаб чиқариш технологиясини ва республикага биринчи даражали халқ истеъмоли моллари олиб келинишини таъминлайдиган корхоналарга ички ва-

лютага устувор тарзда конвертирлашнинг ишлаб чиқилган механизми амал қилмоқда.

Операцияларни амалга оширилиши фақат ўзлари мижози ҳисобланган ваколатли банклар орқали амалга оширилади. Ушбу ҳолда ваколатли банк бозорда мижознинг топшириғига кўра ўз номидан иш кўради. Банклараро валюта савдолари сессияларида ваколатли банкларнинг валюта ресурсларини харид қилиш ва сотиш операциялари амалга оширилади.

Марказий банкнинг валюта операцияларини амалга оширишга ва тартибга солишга имкон берувчи бир қатор асослар мавжуд бўлиб, улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Марказий банкнинг етарли миқдорда олтин-валюта захираларига эга бўлиши.
- Марказий банкнинг хорижий мамлакатларнинг банклари билан кенг тармоқли вакиллик муносабатларининг мавжудлиги.
- Марказий банкка валюта операцияларини амалга ошириш тартибини белгилаб берувчи меъёрий ҳужжатларнинг мавжудлиги Республикамизда “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари Марказий банкнинг валюта операцияларини амалга ошириш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.
- Чет эл валюталари билан савдо қилишда мавжуд бўлган савдо удумларига риоя қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюта сиёсатини такомиллаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш бу борада мавжуд бўлган асосий муаммоларнинг моҳиятини очиб беришни тақозо қилади. Амалга оширилган таҳлил натижаларига асосланган ҳолда, мавжуд муаммоларнинг моҳиятини кўриб чиқамиз.

1. Республика Марказий банкининг пул-кредит инструментларининг такомиллашмаганлиги муаммоси.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, республикамиз Марказий банки пул-кредит сиёсатининг инструментларидан фойдаланиш амалиётига хос бўлган асосий камчиликлар қуйидагилардан иборат:

а) Марказий банк дисконт сиёсатининг мавжуд эмаслиги.

Марказий банк дисконт сиёсатининг мавжуд эмаслиги унинг қайта молиялаштириш сиёсатининг самарадорлик даражаси паст эканлигидан далолат беради. Миллий иқтисодиёт ривожланишининг ҳозирги босқичида иқтисодиётнинг устувор тармоқларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш долзарб масала ҳисобланади. Айниқса, мамлакат миллий даромадининг 40 фоиздан ортиқ қисмини бераётган ва аҳолининг асосий қисми банд бўлган қишлоқ хўжалигини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳукумат иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлиб турибди. Мана шундай шароитда дисконт сиёсати қишлоқ хўжалик корхоналарини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг самарали воситаси бўлиши мумкин эди.

Бундан ташқари, дисконт сиёсати республикамиз тижорат банклариға ликвидлиликни ошириш имконини берар эди. Чунки Марказий банк молиявий йил давомида дисконт ставкасини ўзгартирмайди. Бу эса тижорат банклариға, фоиз ставкаларининг бозор даражасини ўзгаришидан қатъий назар, белгиланган фоиз ставкасида кредит олиш имконини беради. Бундан ташқари, молиявий жиҳатдан қийналиб қолган тижорат банклариға бошқа тижорат банклари, одатда, кредит бермайди. Марказий банк эса тратталарни қайта ҳисобға олиш йўли билан молиявий ночор банкларға ҳам кредит олиш имконини беради.

б) Марказий банкнинг валюта сиёсатидаги камчиликларнинг мавжудлиги.

Миллий валютанинг биржа курси билан нақд валюталар савдоси бўйича белгиланган тижорат курси ўртасида сезиларли фарқнинг мавжудлиги, миллий спот курсининг ликвидлилик даражасининг нисбатан пастлиги, тижорат банкларининг валюта захираларини диверсификация даражасининг паст эканлиги, расмий олтин- валюта захираларининг сезиларли қисмининг

Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг балансида эканлиги Марказий банкнинг валюта сиёсатини такомиллаштириш йўлидаги асосий муаммолар ҳисобланади.

Республикамизда битим валютаси сифатида етакчи хорижий валюталар-АҚШ доллари, евро, Япония иени ва Буюк Британиянинг фунт стерлингидан фойдаланилмоқда. Сўм баҳоловчи валюта бўлмаганлиги сабабли, биз, баҳоловчи валюта сифатида иккинчи бир хорижий валютадан фойдаланамиз. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон тижорат банкларини, Марказий банкни ҳамда корхоналарини «спот» операциялари кўламини жиддий тарзда жиловлаб туради.

Спот операцияларини амалга ошириш натижасида Ўзбекистон тижорат банкларининг оладиган фойдаси ва кўрадиган зарарларининг реал даражасини акс эттириш имконининг мавжуд эмаслиги тижорат банкларини спот операциялари кўламига салбий таъсир қилмоқда.

2. Сўмнинг етакчи валюталарга нисбатан алмашинув курси йиллар мобайнида пасайиб келмоқда. Бу ҳолат айниқса АҚШ долларида содир бўлаётганлигини инобатга олсак, экспортни қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутди. Чунки мамлакатимиз ташқи савдо операцияларининг 95 фоизга яқини АҚШ долларида амалга оширилади.

Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу ҳолат йиллар мобайнида ўсиб келмоқда. Бу эса, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек капитал ҳаракати билан боғлиқ операцияларга кескин равишда таъсир кўрсатиб ҳамда ўз навбатида биржадан ташқари курсларга таъсир этган ҳолда АҚШ долларига нисбатан талабнинг кескин ошишига сабаб бўлмоқда.

Хорижий мамлакатларнинг амалиётида ҳам пул-кредит сиёсати билан валюта сиёсати ўртасидаги қарама-қаршиликни кузатиш мумкин. Масалан, Россияда 1998-2000 йилларда миллий банк тизимидаги захираларнинг ўсиши шароитида рублдаги пул массасининг маълум қисмини муомаладан олиш имконини берадиган молиявий инструментлар етарли бўлмаганлиги сабабли

пул агрегатларининг ўсиши юз беради. Бунинг натижасида баҳоларнинг ўсиши жадаллашди.

3.2. Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини такомиллаштириш масалалари

Марказий банкнинг валюта сиёсати анъанавий монетар инструмент сифатида пул-кредит сиёсатининг оралиқ ва пировард мақсадларига мос келишини таъминлаш лозим.

Марказий банкнинг валюта сиёсати билан пул-кредит сиёсати ўртасида қарама-қаршилик тез-тез учраб туради. Масалан, республикада тижорат банкларига нақд пул тушуми бўйича «нақд пулларни қайтиш коэффициенти» деб номланувчи кўрсаткич сифатида мажбурият юкланган. Бундан ташқари республикада тижорат банкларининг айланма кассаларига келиб тушган нақд пулларнинг асосий қисми (75-80%) биринчи даражада тўловларни (Давлат бюджетининг касса ижроси билан боғлиқ бўлган тўловлар) тўлашга йўналтирилмоқда. Натижада, республикада тижорат банкларида сўмдаги нақд пулларнинг етишмаслиги муаммоси юзага келди. Бундай шароитда тижорат банклари нақд хорижий валюталарни сотиб олишдан манфаатдор бўлмайди. Чунки нақд хорижий валюталарни банк томонидан сотиб олиниши унинг сўмдаги чиқимлари суммасининг ошишига олиб келади ва бунинг оқибатида нақд пулларнинг етишмаслиги муаммоси янада чуқурлашади.

Фикримизча, Марказий банкнинг валюта сиёсати билан пул-кредит сиёсати ўртасидаги қарама-қаршиликни ўз вақтида бартараф этиш валюта сиёсатининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Марказий банкнинг валюта сиёсати доирасида ҳал этилиши лозим бўлган масалалардан бири хорижий валюталардаги расмий валюта захираларини диверсификация қилиш масаласи ҳисобланади. Бунинг боиси шундаки, валюта захираларини диверсификациялаш Марказий банкнинг балансидаги

расмий валюта захираларини валюта рискдан ҳимоя қилишнинг ишончли ва кам чиқимли усули ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўзининг хорижий валютадаги захираларини халқаро ҳисоб-китобларда юқори салмоққа эга бўлган валюталарда шакллантириши лозим.

Айни вақтда, халқаро захиралар ҳажмида АҚШ долларида шакллантирилган захираларнинг салмоғи юқорилигича қолмоқда. Фикримизча, бунинг асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: биринчидан, АҚШ долларининг бошқа етакчи валюталарга нисбатан номинал алмашув курсининг тебраниш диапазони катта эмас; иккинчидан, АҚШ долларида эмиссия қилинган АҚШ ҳукуматининг ва Федерал фондларининг қимматли қоғозлари юқори ликвидли ва ишончли инвестициялаш объектлари ҳисобланади; учинчидан, ҳозирга қадар дунёнинг кўплаб мамлакатларида, шу жумладан, МДҲ давлатларида валюта интервенцияси воситаси бўлиб АҚШ доллари ҳисобланади; тўртинчидан, кўплаб мамлакатлар ҳукуматлари ташқи қарзининг асосий қисми АҚШ долларида шаклланган. Чунончи, Бразилияда халқаро захиралар учта валютада – АҚШ доллари, евро ва Япония иенида шакллантирилган. Чунки мамлакатнинг ташқи қарзи мазкур уч валютадаги қарздан иборат. Жанубий Кореяда халқаро захираларнинг инвестицион таркиби ташқи қарзнинг валютавий таркибига ва жорий валюта операциялари бўйича тўловларни қайси валюталарда амалга оширилаётганлигига мос равишда шакллантирилмоқда. Чехияда эса расмий валюта захиралари АҚШ доллари ва еврода шакллантирилган. Уни шакллантиришда эътиборга олинандиган асосий омиллардан бири ташқи қарзнинг валютавий таркиби ҳисобланади.

Номинал фоиз ставкасидан монетар индикатор сифатида фойдаланиш йўли билан пул-кредит сиёсатининг ички талабни рағбатлантиришдаги ролини ошириш.

Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсати инструментлари орқали тижорат банклари

кредитларининг фоиз ставкаларига таъсир қила олади; иккинчидан, Марказий банк тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкалари тўғрисидаги маълумотларни тижорат банкларидан исталган вақтда талаб қилиб оилш имкониятига эга; учинчидан, республикамизда 2010-2014 йилларда жуда катта миқдорда инвестицияларнинг жалб этилаётганлиги тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаларини барқарорлигини таъминлаш заруриятини юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг пул-кредит сиёсатини шакллантиришда ривожланган индустриал давлатлар (Германия, Франция, АҚШ) тажрибасидан кенг қўламда фойдаланиш зарур.

Пул-кредит сиёсатини шакллантиришда етакчи пул-кредит концепцияларидан фойдаланиш амалиёти ривожланган хорижий давлатлар, хусусан, Германия, Франция, АҚШ давлатлари марказий банкларининг фаолиятида кенг ривож топган.

